Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 145 (21. 012) 1991 йил 30 июль, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1991 йил 26 июлда ўз ишини давом эттирди.

КПСС Дастури лойиҳасини ва КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. Горбачевнинг маърузасини муҳокама қилишда: СССР Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институтининг директори В. А. Мартинов, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Латвия Компартияси Рига шаҳар комитетининг биринчи котиби А. П. Клауцен, СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, Бошқирдистон давлат дорилфунуни парткомининг котиби С. Н. Лаврентьев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Г. Саркисян, «Коммунист» ойномаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари О. Р. Лацис, РСФСР Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги сиёсий таҳлил ва истиқболни аниқлаш марказининг раҳбари А. А. Пригарин, Литва Компартияси Марказий назорат комиссиясининг аъзоси М. Н. Качанов, Тамбов шаҳридаги «Электроприбор» заводининг устаси М. М. Дробицев, Свердловск муҳандислик-муаллимлик институтининг доценти Б. П. Гуселетов қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев муҳокамани якунлади.

Пленумда тузилган Таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов сўзга чиқди.

Марказий Комитет Пленуми «КПСС Дастурининг лойиҳаси ва уни муҳокама қилиш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXIX съездини чақириш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Марказий Комитет Пленуми депутатларнинг бўшаб қолган ўринларига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатди ва «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатларини сайлаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди.

Пленум «КПССнинг 1990 йилги бюджети ижроси тўғрисида», «КПССнинг 1991 йилги бюджети ҳақида» қарорлар ҳамда КПСС Марказий назорат комиссияси билан биргаликда «1991 йилда КПСС Марказий назорат комиссиясининг фаолиятини пул билан таъминлаш харажатлари сметаси тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

В. И. Ульянов (Ленин) номидаги Ленинград электротехника институтининг кафедра мудири В. В. Калашников, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат дорилфунуни парткомининг котиби И. И. Мельников КПСС Марказий Комитетининг котиблари этиб сайланди.

Пленум Нижний Новгород шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. Н. Мальцевни КПСС Марказий Комитети Котибиятининг аъзоси қилиб сайлади.

Марказий Комитет Пленуми С. К. Погосяннинг Арманистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби сифатидаги фаолияти тўхтаганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

Марказий Комитет Пленуми И. С. Силаевни ўз аризасига мувофиқ, Э. А. Шеварднадзеени КПССга аъзолиги тўхтатилганлиги муносабати билан, А. И. Березинни КПССдан чиқарилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети таркибидан чиқарди.

РСФСР Президентининг «РСФСР давлат идораларида, муассасалари ва ташкилотларида сиёсий партиялар ҳамда оммавий жамоат ҳаракатларининг ташкилий тузилмалари фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги» фармони муносабати билан Пленум КПСС Марказий Комитетининг баёнотини қабул қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети котиби Ю. А. Манаенковнинг Эстония партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволини ўрганувчи комиссиянинг иш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб, шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ҳужжатлари матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори 1991 йил 26 июль

КПСС ДАСТУРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ВА УНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия XXVIII съездининг комиссияси тайёрлаган КПСС Дастури лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш ва партияда муҳокама қилиш учун мақбул асос деб ҳисоблайди.

2. КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига ушбу Пленумда лойиҳани муҳокама қилиш чоғида айтилган мулоҳаза ва таклифларни умумлаштириш ҳамда уларни XXVIII съезд комиссиясига тақдим этиш топширилсин. Дастур комиссиясига лойиҳани пухта ишлаб чиқиш чоғида лойиҳанинг энг муҳим қоидаларини назарий жиҳатдан асослаш савиясига, КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти билан давомийлигига, партиянинг ташкилий-сиёсий тузилиши масалаларига алоҳида эътибор бериш тавсия этилсин.

3. Лойиҳа эълон қилингандан кейин умумпартиявий мунозара ўтказилсин. Партия комитетлари Дастур лойиҳасини меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида, ижтимоий-сиёсий марказларда кенг муҳокама қилишни уюштирсинлар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет котиблари ва аъзолари партия ташкилотларида янги Дастур лойиҳасининг муҳокамасида фаол қатнашсинлар.

4. Партиянинг оммавий ахборот воситалари КПСС Дастурининг лойиҳаси юзасидан умумпартиявий мунозарани атрофлича ва чаққон ёритишни таъминласинлар. Партиядаги аҳволни, унинг ҳозирги сиёсатини ҳар томонлама очиб берадиган материаллар мунтазам эълон қилинсин.

КПСС Марказий Комитетининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари билан учрашувлар, суҳбатлар ҳамда КПСС Дастурининг лойиҳаси кенг ёритилишига кўмаклашадиган бошқа тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилсин.

5. КПСС Марказий Комитетининг Ижтимоий фанлар академияси, КПСС Марказий Комитетининг Социализм назарияси ва тарихи институти, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ҳозирги ижтимоий муаммолар институти, республикалардаги ижтимоий-сиёсий институтлар КПСС Дастурининг лойиҳаси юзасидан тушаётган таклифларни ўрганиш ва умумлаштиришда, илмий, маърифий ва ташвиқий ишларни ўтказишда қатнашсинлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори 1991 йил 26 июль

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXIX съездини чақириш тўғрисида

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXIX съезди 1991 йил ноябрь-декабрда чақирилсин.

КПССнинг навбатдан ташқари XXIX съезди делегатларини сайлаш учун вакиллик нормаси 7,5 минг КПСС аъзосидан 1 делегат қилиб белгилансин.

2. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари билан биргаликда съездни ўтказиш куни, унинг кун тартиби ва съездга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида партия ташкилотларининг фикрини эътиборга олиб, Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленуми муҳокамасига таклифлар киритиш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори 1991 йил 26 июль

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида КПСС Дастури лойиҳаси муҳокамаси хусусидаги якунловчи нутқи

Пленум фавқулодда вазиятда ўтмоқда, деди у. Муҳокама мавзусининг ўзи — КПССнинг бўлажак Дастури унга алоҳида аҳамият бахш этмоқда.

Шу кунларда баъзи бировлар сиёсий эҳтиросларни авж олдиришни хоҳлайдилар. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида ҳам ҳар бир ўткир, баҳсли фикр бутун мажлис аҳлини ҳаракатга келтирди. Одатдаги сийқаликлар ва қолипга тушиб қолган гаплар — душманларни изламоқ, айблаш ва қатъий талабларни ўртага қўйишлар ҳам бўлди. Тарихимизнинг ва ҳозирги кунимизнинг бутун мураккаблигини, зиддиятлилигини соддалаштирилган формулаларга айлантиришга уринишлар ҳам намоён бўлди.

Лекин бу Пленум ишида асосий мавзу бўлолмади. Олдинги баъзи пленумлардан фарқли равишда бу Пленумда соғлом, ишчанлик ёндашувлари устунлик қилмоқда. Кўпгина нутқларда Дастур лойиҳаси умумий назарий ва сиёсий позициялардан келиб чиқиб, жамиятимиз тараққиётининг энг муҳим вазифалари билан боғлиқ равишда асосли таҳлил этилди. Бундай ёндашувда катта имкониятлар бор. Бундан буён ҳам биз ана шундай амалий йўналишда туришимиз керак; ўз фикримизни айтиш билан бирга бир-биримизнинг гапимизни тинглаш учун сабр-бардошли бўлишимиз, ўртоқлик вазиятини таъминлашимиз, бу ерда намоён бўлган соғлом тамойилни мустаҳкамлашимиз лозим.

Бўлиб ўтган сермазмун гаплар натижасида Дастур лойиҳасини янада пухталаштириш учун муҳим фикрларга эга бўлдик, ҳозир партияда бундай Дастурнинг зарурлиги ўткир ҳис этилаётганлиги Пленумда яна бир бор таъкидланди.

Дастур комиссиясида бўлгани каби бир қанча нутқларда бизга қандай Дастур зарур, деган савол ўртага қўйилди. Баъзилар ўтмишни ва ҳозирги ижтимоий жараёнларни батафсил назарий таҳлил қилиб беришни таклиф этмоқдалар, айтмоқчи, бунинг учун жуда кўп ишланмалар ва материаллар бор, шу соҳада изланишлар олиб борилган, юз ва йигирма саҳифали лойиҳа вариантлари ва бошқа материаллар бор. Бошқа ўртоқлар 90-йилларда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг фавқулодда муҳимлигини кўзда тутиб Дастурда ана шу давр билан чекланишимиз лозим, деб ҳисобламоқдалар.

Менимча, ҳар иккала томон ҳам ҳақли. Дастур комиссиясида ҳам биз ана шунга асосландик. Чунки, В. И. Ленин огоҳлантирганидек, умумий масалаларни тушуниб етмас экансан, ҳамиша хусусий масалаларда қоқилиб кетаверасан. Шу сабабли босиб ўтилган йўлдан хулоса чиқаришга, бизда, атрофимиздаги оламда нималар бўлаётганини тушуниб олишга ёрдам берадиган назарий фикрнинг муайян «мажмуи» бўлиши зарур. Коммунистлар социалистик ғояларни амалга ошириш учун курашни давом эттирар эканлар, бундай назарий фикрларсиз иш қила олмайдилар. Шу билан бир вақтда одамлар, аввало, бундан буён қандай яшаш керак, қаерга бориш керак ва нима қилиш керак, деган саволларга жавоб кутмоқдалар, деб гапираётган ўртоқлар ҳам ҳақлидирлар.

Бунда биз Вазирлар Маҳкамаси ўрнини эгаллаб, партиявий Дастурга танглинка қарши аниқ чора-тадбирларни кирита олмаймиз, албатта. Бинобарин, иккала ёндашувни оқилона қўшиб олиб бориш керак. Умумий назарий ва сиёсий таҳлил зарур, лекин Дастур фаоллаштирилиши лозим, у ҳозирги замон жамият тараққиётининг асосий муаммолари хусусида энг муҳим талабларга жавоб бериши лозим.

Назарияга етарли баҳо бермасликда ва ҳозир жамиятимизда юз бераётган барча жараёнларга ўткир сиёсий баҳо беришдан чекинишда шубҳа қилмасликлари учун шу ҳақда гапиряпман. Бу йўналишларда изланишлар олиб борилди ва давом эттирилаверади. Лекин бизга ҳозирнинг ўзидаёқ байроғига «Социализм, демократия, тараққиёт» деб ёзиб қўядиган ва ана шу мақсадларга эришиш учун амалда ҳаракат қиладиган партиянинг етарли даражада мукаммал назарий ва дастур сиёсий Дастури зарур. Лойиҳани тайёрлаш чоғида режаларимиз ана шундай эди. Бунга қанчалик муваффақ бўлинганига ўзингиз баҳо берасиз.

Сирасини айтганда, ҳужжатга ўртоқлар ўз муносабатларини билдиришди. Кўпгина муҳим мулоҳазалар айтилдики, улар дастур комиссиясининг ишига ёрдам беради. Лекин таклифларни ҳисобга олиш чоғида меъёр бўлиши керак. Ҳужжат етарли даражада лўнда, айтиш мумкинки, ўқишли, тушунарли бўлиши керак. Чунки биз бу ҳужжатни мумкин қадар кўпроқ ватандошларимиз ўқишларини, тушуншларини хоҳлаймиз. Агар Дастур аврашларнинг йиғиндиси эмас, балки новаторча тузилган дастур бўлса бунга эришиш мумкин. Жамиятимиздаги воқеликни ва жаҳон маърифатининг бутун боришини теран идрок этиш лозим. Бу эса ҳозирги социалистик йўлни истиқболли қилади.

Лойиҳа ундаги баёнларнинг тарқоқлиги билан нималарнидир яширкмоқда, деб ҳисоблаётган ўртоқлар ҳаётнинг жўшқинлиги тақозо этаётган бир қанча муаммоларни қўйишдаги янгликни англаб олишлари қийин бўлади. Кимдир бундай таърифларга аниқлик киритишни таклиф этаётган бўлса — мен ҳам бу фикрга қўшиламан.

Биз ўз қиёфасига эга бўлган, марксча, диалектик таҳлил усулини эгаллаган партия сифатида ҳеч қандай ақиданарга сажда қилмай тараққиётнинг реаллигини бир хил кўришимиз лозим.

Биз XXI аср янги илму зиёси пайдо бўлаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас. Акс ҳолда энг муҳим нарсани пайқамай қоламиз. Лойиҳада шу ҳақда айтишга уринишлар бор. Бу муҳим назарий хулоса бўлиб, ундан жуда кўп сиёсий хулосалар чиқариш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети аъзолари Марказком Пленуми якунлари ҳақида

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ЎРТОҚЛИК ЗАРУР

Утган ҳафтанинг энг муҳим воқеаларидан бири КПСС келажагини, унинг жамият тараққиётига таъсири кўламини белгилаб берадиган Марказий Комитет Пленуми бўлди. Ҳозир республикамиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари Марказий Комитет Бош котиби М. С. Горбачевнинг Пленумда қилган маърузаси, музокараларда кўтарилган муҳим масалалар, умуман, Пленум ҳужжатларини синчиклаб ўрганишяпти. Меҳнат жамоаларида ва партия ташкилотларида Пленум маромига етказиш ва муҳокама учун асос, деб қабул қилган партиянинг янги Дастури лойиҳаси, уни муҳокама қилиш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари, шунингдек, Пленум кун тартибига қўйган бошқа муҳим масалалар хусусида фикрлар билдириш узоқ вақт давом этади.

Кеча «Совет Узбекистони» мухбирлари КПСС Марказий Комитети баъзи аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг Марказий Комитет Бош котиби М. С. Горбачевнинг партия Дастури лойиҳаси ҳақидаги маърузасида баён қилинган, сўзга чиққан бошқа нотиқлар айтган фикрларга ўз муносабатларини билдиришни сўрадилар.

Жўрабой АБДУРАҲМОНОВ,
Наманган вилоятидаги 10-қурилиш трести бригада бошлиғи:

— Ушбу Пленумни кўплар қатори мен ҳам орзиқиб кутгандим. Сабаби партиямиз бундан кейин дастурсиз яшаши мумкин эмасди. Умуман мен Марказий Комитет июль Пленумининг КПСС Дастури лойиҳасини ишчанлик ва муҳокама этганидан қониқиш ҳосил қилдим. Чунки, мамлакатда юзага келган энг муҳим иқтисодий ва сиёсий муаммоларни фақат ўзаро ишонч ва ҳамкорлик шароитидагина ҳал қилиш мумкин.

КПССнинг янги Дастури лойиҳаси ҳақидаги маъруза ва нутқларда партия ичида XXVIII съезд белгилаб берган йўлга қарши чиқаётган кучлар пайдо бўлганлиги, улар партиянинг ҳозирги сиёсатини рад этаётганлиги ҳақида рўй-рост фикр билдирилганлиги менимча яхши бўлди. Аллақачон бу ҳақда ошкора гапириш лозим эди. Чиндан ҳам ҳар бир партия аъзоси учун қайси йўлни танлайдиган вақт келди. Партиянинг тақдири тўғрисидаги масала бундан кейин ҳам ҳисҳаяжонларни авж олдириш, сиёсий жазаваларни кучайтириш вазиятида ҳал этиладиган бўлса ҳаммамиз учун ёмон бўлиши тайин. Мен Бош котибимизнинг съезд белгилаб берган йўлни ривожлантириш, унинг янги Дастурини қўллаб-қувватлаш асосидагина партия дадил ҳаракат қилиши мумкин, деган сўзларига тўла қўшиламан. Партиямиз шу пайтгача халқ манфаатини кўзлаб яшаб келган, бундан кейин ҳам халқнинг тақдирини ўйлаб ҳаракат қилади. Бошқача фикрдаги кишилар бўлса ўз йўлларини танлайдиган вақт ҳозир. Энди биз партиямиз фаолиятини қоралашга, унга турли хил таъна тошларини отишга йўл қўймаймиз. Маърузада айтилганидек, эндиликда «келинглар, аҳил бўлайлик» деган қоида асосида тинчлантиришнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Рўйиддин РУЗИЕВ,
«Каршистрой» иқтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг «Карширмонтаж» трести бригада бошлиғи:

— Марказий Комитет аъзоси сифатида Пленум ҳужжатларини синчиклаб ўргандим. Аммо бу етмайди. Ҳали унинг ҳар бир жумласини, баён этилган ҳар бир фикрни ғоят синчиклаб, ақл тарозисига қўйиб ўрганишимиз лозим. Аммо, ҳамма қатори мени ҳам қувонтирган нарса — КПССнинг янги Дастури лойиҳаси қабул қилингани бўлди.

Очиғини айтганда, биз бу ҳужжатни ҳеч бир асоссиз анча кечикиб муҳокама қилдик. Ахир КПСС XXVIII съездида Дастур устида ишлаш учун юздан ортиқ киши қамраб олинган жуда катта ижодий жамоа ташкил этилганди-ку. Ана шу комиссиянинг қандай ишлагани ҳақида эса фақат кейинги ойлардагина тегишли маълумот олдик. Лойиҳа юзасидан ўтказиладиган умумпартиявий мунозара ва муҳокама партиямизнинг ана шу бош ҳужжати нечоғли жиддий тайёрланганлигини, қамрови нақадар кенглигини аниқлайди, албатта.

Мен Пленумдан қайтгач, аввал бригадамиз, кейин бошқа меҳнат жамоалари аъзолари билан учрашдим. Ана шундай кезларда турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилиши аён. Бироқ кўпчилик бир фикрни тез-тез тилга олди. Бу ҳам бўлса — бўлар-бўлмасга мажлислар ўтказиш, одамларнинг қимматли иш соатларини бекор кетказиш, уларни чалғитишларга чек қўйилиши керак. Иш вақти — ишга бўлсин. Иш соатларида кишиларни чалғитишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ. Зарур мажлис ва йиғилишлар ўтказиш лозим бўлса, у қанчалик долзарб ва муҳим бўлмасин, меҳнат, иш вақтидан кейин хоҳлаганча ўтказаверсинлар. Табиийки, мен ҳам жамоамиз аъзоларининг ана шу фикрини тўла қувватлайман.

Халқимизда минг бора эшитгандан кўра, бир бора кўрган яхши деган нақл бор. Мамлакатимизда сиёсий вазиятнинг нақадар жиддий эканлигини Пленумда сездим. Кишилар билан учрашганда янги ҳаракат ва уюшмалар, вужудга келаётган партиялар, уларнинг ҳаракат дастурлари ҳақида савол-жавоблар ҳам бўлди. Шунда мен уларга бир нарсани иложи борича чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қилдим: Оддий меҳнаткаш халқнинг ғамхўри ҳам, унинг дарди, кундалик турмуши ва келажаги тўғрисида ўйлайдиган ягона партия ҳам — бу КПССдир. Унинг халқ манфаатидан бошқа манфаати йўқ. Шу борада республикамиз Компартияси изчиллик билан амалга ошираётган қатор тадбирлар ва ана шу ишларнинг республика меҳнаткашлари турмушини бироз бўлса-да енгиллаштираётгани, шу сабабли партиянинг халқ ўртасидаги обрў-эътибори ошиб бораётганини аниқ мисоллар билан гапириб беришга ҳам тўғри келди. Биз ана шундай учрашувларни ўз меҳнат жамоаларимизда ҳам изчил давом эттираверамиз.

МИННАТДОРЧИЛИК

Яқинда Қорақалпоғистон АССРдан телефон қилиб, қораўзаклик коммунист Сарсен Ўтепбергенов ўзининг шахсий жамғармасидан 600 сўм пулни ўзи аъзо бўлган партия ташкилоти фондига ўтказганлиги тўғрисидаги хабарни айтишди. Мухбиримиз С. Ўтепбергенов билан боғланиб, шу воқеага доир қўйидаги тафсилотларни аниқлади.

— Мен кўплар қатори ўз тақдиримни Коммунистик партиямиз тақдири билан боғлаганман, — деди С. Ўтепбергенов. — Унинг эл ўртасидаги обрў-эътибори айни пайтда менинг ҳам обрўйимдир. Партиямиз ҳозир оғир кунларни бошидан кечиряпти. Халқнинг турмуш даражаси қийинлашиб қолди, сиёсий ва иқтисодий инқироз кучайди. Ана шундай пайтда ўзини «демократ» деб атаётган кимсалар ундан фойдаланиб, жамиятдаги барча қийинчиликларни партиямиз зиммасига тўнкаб, унга таъна тоши отмоқдалар. Улар ҳатто ўзлари бир пайтлар партиямиз «бешиги»да ўсиб-улғайишганини, сиёсий билимни уларга КПСС берганлигини унутиб қўйишмоқда. Оддий халқ ибораси билан айтганда бу — бориб турган нонкўрликдан бошқа нарса эмас.

Энди қисқача ўзим ҳақимда: комсомолда тарбияландим. Партиямиз тарбиясини кўрдим. Оддий меҳнатчидан давлат хўжалиги раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтдим. Ҳозир кўчма механизациялашган колоннада бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаяпман. Тақдир экан, «пахта иши» билан боғлиқ алғов-далғов кунларда менинг бошимга ҳам туҳмат тоши тегди. Ҳақ эгилса ҳам, асло синмайди, деган гап тўғри экан. Ҳозир ҳеч қандай жиноят қилмаганлигим тўла аниқланди. Батамом оқландим, партияга тикландим. Партия ташкилотимизга, партиядош ўртоқларимга раҳмат, улар оғир кунда далда бериб кўнглимни кўтаришди, эгилганимда қаддимни тиклаб қўйишди. Нимаики яхшилик кўрган бўлсам партиямиздан кўрдим. Шунинг учун ҳам қайта айтаманки, партиямиз тақдири — менинг тақдирим. Шунинг учун ҳам озгина бўлса-да, ўз жамғармамдан партия ташкилотимиз фондига маблағ топширдим. Ўрни келганда маслакдош ўртоқларимга «Ҳаммамиз аъзо бўлган, эл манфаатидан бошқа ташвиши бўлмаган, жамиятимизни тўғри йўлдан бошлаб бораётган Коммунистик партиямизни эъзозланг, унга турли хил бўҳтонлар ташлаётган, таъна тошлари ёғдираётган кишиларга қарши қаттиқ курраш олиб боринг», деб айтмоқчиман.

Р. ҚОДИРОВ.

ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР ҳукумат делегациясининг ХХР Шинжонг-Уйғур мухтор районига ташрифи якунланди. Делегация мазкур район халқ ҳукумати раиси Т. Давоматнинг таклифига мувофиқ шу ўлкада бўлди.

Ташриф давомида иқтисодиёт, савдо, фан, техника соҳалари ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди. Бу эса иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, ҳамжиҳатликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳукумат делегацияси 27 июль куни Тошкентга қайтиб келди. Делегацияни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ПРЕЗИДЕНТ БУШ МОСКВАГА УЧИБ КЕТДИ

ВАШИНГТОН, 29 июль. (ТАСС мухбири Иван ЛЕБЕДЕВ). Бугун эрталаб Вашингтон вақти билан соат 6 да АҚШ Президенти Жорж Буш Олий даражадаги Совет—Америка учрашувида қатнашиш учун Москвага учиб кетди.

Жўнаб кетиш арафасида Оқ уй Ж. Бушнинг унинг СССРга сафарида ҳамроҳлик қиладиган журналистлар учун берган баёнотини тарқатди. «Биз Совет Иттифоқи тарихида ва у билан муносабатларимиз тарихида ҳал қилувчи даврда Москвага жўнаб кетяпмиз», деб таъкидлади Президент

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

КПСС Марказий Комитети Пленумида КПСС Дастури лойиҳаси муҳокамаси хусусидаги якунловчи нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биз ўзимизни демократик ислоҳотлар партияси, деб айтаётганлигимиз жуда муҳимдир. Жамиятимиздаги қаттиқ қаршима-қарши туришда, ундаги мавжуд сиёсий маданият даражасида фақат фикрларнинг хилма-хиллиги, фақат конституциявий қонунийлик доирасида позицияларни демократик қиёслашгина ҳақиқатни топишга имкон беради. Ҳар қандай партия ҳам ана шу доирада ўзининг ҳақлигини исботлайверсин, жамиятга ўз дастурини таклиф этаверсин, уни қўллаб-қувватлашларига эришаверсин. Лекин «Йўқолсин», «Йўқ қилиб ташлансин», «Шарманда қилинсин», «Янчиб ташлансин» усуллари билан ҳаракат қилинадиган бўлса, бу — боши берк кўча, орқага қайтиш, ялпи ҳалокатдир. Социализм, демократия, тараққиёт учун курашаётган партия бундай даъватлар ва усулларга асослана олмайди.

Жамият ҳолдан тойганлигини, янги тўнтаришларни, мухолифликни, ижтимоий ўта кескинликни хоҳламаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Халқ, Ватан, давлат манфаатларини барча партия мунозараларидан, сиёсий баҳслар ва зиддиятлардан устун қўйишга даъват янграгач жамият енгил нафас олган эди. Ана шу умумий тамойилни пайқаб олиб ислоҳотлар йўлини эгаллаш, сиёсатга илму зиё билан ёндашувни ўрганиш жуда муҳимдир.

«Ислоҳотчилик» тушунчасидан чўчиётган кишиларга эса мен В. И. Ленин 1921 йилда ёзган гапларни эслатиб қўймоқчиман. Инқилобий ёндашувлар ўрнига, бу ёғи В. И. Ленининг сўзлари, «Эскиликни бевосита ва тўла бузиб ташлаш маъносида», «мутлақо ўзгача, ислоҳотчилик тусини» қўйиш зарур. Хуллас, ислоҳотчилик ва ҳатто ислоҳотбозликда таъна қилишлардан қўрқмаслик керак. Ҳамма гап ислоҳотларнинг йўналишидадир.

Кеча маърузада ўнлаб йиллар давомида партияга ва жамиятга тиқиштириб келинган модел стратегик мағлубиятга учраганлиги ҳақида гапирган эдим. Бу хулоса ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу хулосага асосланадиган бўлсак, биз социализмга бутун нуқтаи назаримизни янгитдан тубдан ўзгартириш заруратига етиб келдик. Саволларимизга эски модел доирасида жавоб топа олмаймиз. Бу моделни дўстларимиз ўз мамлакатларида «тажриба қилиб кўришга» ёрдам берган эдик, улар ҳам бундай саволларга жавоб топа олмадилар. Ҳа, бу социализм ва социалистик ғоянинг танглигидир. Лекин тангликни бартараф этиш керак, тангликдан сўнг соғломлаштириш ва янгиланган организмнинг олға томон янги қатъий ҳаракати бошланиши мумкин.

Қисқа қилиб, айтганда, ҳозир — чуқур, масъулиятли мулоҳазалар юритиш ва қарорлар қабул қилиш давридир. Агар биз кимларгадир ёқмаган нотиқ сўзга чиққанда «ер тепиниб» ва «қарсак ураверсак» ёки кимгадир маъқул келадиган нотиққа ҳаддан ташқари қарсак чалаверсак, у ҳолда ҳеч қандай оқилона фикрга келмаймиз. Келинглар, ҳеч бўлмаса партия Марказий Комитетининг Пленумларида бундай қилмайлик.

Лойиҳада қайта қуриш муқаррарлиги тўғрисида аниқ ёзиб қўйиш керак деган фикрга қўшиламан. Қайта қуришни ҳеч ким ўйлаб чиқаргани йўқ. Қайта қуриш, айтиш мумкинки, бутун жамият ғулувга келган 53-йилда ҳам, 65-йилда ҳам, 66-йилда ҳам, 70-йилларда ҳам, 80-йилларнинг бошларида ҳам эшик қоқиб турган эди.

Умуман барча камчиликларга қарамай бу ерда рўй-рост гаплашиб олганлигимиздан мамнунлигимни яна бир бор айтиб ўтаман.

Менимча, баҳс якунларини дарҳол умумлаштириб, уларни Дастур комиссиясига беришни КПСС Марказий Комитети Котибиятига топширишимиз лозим. Новаторлик ва давомийлик руҳидаги барча қимматли фикрлардан фойдаланмоқ керак. Бундан лойиҳа фақат ютади. Бир ҳафтадан сўнг, кўпи билан ўн кундан кейин ҳужжатни эълон қилиш, таклиф этилганидек, уни умумпартия муҳокамасига қўйиш лозим.

Ниҳоят, сўнгги фикр. Биз ҳаммамиз партия ички ишлари билан яқиндан шуғулланяпмиз, бу тушунарлидир — партия тақдири эътиборни ва юксак масъулиятни талаб қилади. Лекин ҳозир ички муаммоларга ўралашиб қолиш мутлақо мумкин эмас. Агар биз ички муаммоларга ўралашиб қолсак — жамият турмушидан ажралиб қоламиз. Жамият турмуши эса тангликка қарши Дастурни сира кечиктирмай амалга оширишга, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга, қишга тайёргарлик кўришга, турмуш ва ишлаб чиқаришни энергия, иссиқлик билан таъминлашга муҳтождир. Коммунистлар халқ эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилмасликлари мумкин эмас.

Партиямиз сиёсий ҳаракатлар партияси сифатида ўзини фаолроқ кўрсатиши лозим. Ушбу фикр Дастурда мустаҳкамланиб қўйилиши ва кенгроқ, аниқ ва равшанроқ амалга оширилиши даркор. Ҳозирги пайтда партиянинг ишчиларга, деҳқонларга, зиёлиларга, меҳнат жамоаларига яқин бўлиши — асосий масала. Кундалик қийинчиликларни енгиб жамият тараққиётининг ҳозирги қийин босқичидан ўтишда одамларга ёрдам бермоқ керак. Бу ишда ҳеч нарса партиянинг ўрнини босолмайди. Бинобарин, биз ўз партия ички ишларимизга қанчалик берилиб кетишимизга қарамай бу иш амалга оширилиши керак, деб хулоса чиқарди М. С. Горбачев.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ 1991 ЙИЛ 26 ИЮЛ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайлови КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида ўтказилсин.

2. СССР халқ депутатларини сайлашда овоз бериш КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзолари, КПСС марказий органларининг аъзолари бўлмаган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, республика, ўлка, вилоят, округ партия комитетларининг биринчи котиблари, СССР Қуролли Кучлари КПСС ташкилотлари партия комитетларининг котиблари иштирокида ўтказилсин.

3. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига Марказий Комитет Пленумида овоз берувчиларнинг рўйхатини Қонунда белгиланган тартибда КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига тақдим этиш топширилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ 1991 ЙИЛ 26 ИЮЛ

КПССнинг 1990 йилги бюджети ижроси ҳақида

КПССнинг 1990 йилги бюджети ижроси ҳақидаги ҳисобот даромадлар бўйича 2.284,8 миллион сўм миқдорида, ҳаражатлар бўйича 2.494,1 миллион сўм миқдорида тасдиқлансин.

Бюджетнинг 209,3 миллион сўм миқдоридаги камомади КПССнинг эҳтиёт жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ 1991 ЙИЛ 26 ИЮЛ

КПССнинг 1991 йилги бюджети ҳақида

1. КПССнинг 1991 йилги бюджети даромадлар бўйича 1.394,0 миллион сўм, харажатлар бўйича 2.494,0 миллион сўм миқдорида тасдиқлансин. КПССнинг эҳтиёт жамғармасидан бюджетнинг камомадини қоплаш учун 1.100 миллион сўм ажратилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига КПСС бюджетини ижро этиш жараёнида унинг кўрсаткичларига аниқлик киритиб бориш топширилсин.

2. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, республика, ўлка, вилоят партия комитетлари, СССР Қуролли Кучлари партия комитетлари ва партия муассасалари КПСС бюджетининг сифатли ижро этилишини таъминласинлар, партия кассасини қўшимча даромад манбалари билан тўлдириш, партия органлари фаолиятини пул билан таъминлаш харажатларини маблағларни тежаб-тергаб ва оқилона ишлатиш ҳисобига қисқартириш чораларини кўрсинлар, шу йилнинг ўзидаёқ КПСС бюджетининг камомадини пасайтиришга эришсинлар.

Шу мақсадда партия ташкилотларининг назорат органлари билан ўзаро алоқада ишлаб, КПСС Уставининг партияни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги талабларига риоя этиш учун коммунистларнинг интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур иш ўтказилсин, тўланган бадалларнинг партия бюджетига тўла-тўкис тушиши таъминлансин. Бу иш кенг ошкоралик ва коммунистларни партия матбуоти нашрлари орқали хабардор қилиб туриш вазиятида амалга оширилсин.

Партия нашриётлари билан биргаликда нашриётларнинг моддий базасидан ва матбаа корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш режаси белгиланиб, амалга оширилсин, юксак рентабелли, ғоявий, ва бадиий талабларга мос келадиган ҳамда аҳолига манзур бўладиган нашрлар ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларини қидириб топиш юзасидан шартномада белгиланган мажбуриятларга риоя этилсин.

КПСС бюджетининг даромадларини ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ҳисобига тўлдириш ишини авж олдириб, бу соҳага партия комитетлари ва партия муассасаларининг моддий базаси ҳамда пул ресурслари фаолроқ жалб этилсин. Қўшимча равишда олинган маблағдан фақат КПСС Уставида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида партия органларининг фаолиятини пул билан таъминлаш учун фойдаланилсин.

Барча даражалардаги партия комитетлари партиянинг назорат органлари иштирокида коммунистларнинг аъзолик бадалларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлашлари, партия маблағларининг тўғри сарфланиши ва улардан аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши устидан назорат қилиш самарадорлиги оширилсин.

3. Кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояланишни кучайтириш, ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятда ишлай оладиган кишиларни партия органларидаги ишга жалб қилиш мақсадида партия комитетларига ва партия муассасаларига зарур ҳолларда ишга қабул қилишнинг шартнома усулидан фойдаланиш тавсия этилсин.

Партия комитетлари ва партия муассасалари ходимлари барча тоифаларнинг лавозимларни ўриндошлик юзасидан бажаришни, уларнинг илмий даражаси учун, ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолияти натижалари, алоҳида муҳим ишни бажарганлиги, юксак маҳорати учун мансаб окладларига устамалар белгилаш партия органларининг иш тажрибасига сингдирилсин.

КПСС Марказий Комитетининг баёноти

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, РСФСР Президентининг «РСФСР давлат идораларида, муассасалари ва ташкилотларида сиёсий партиялар ҳамда оммавий жамоат ҳаракатларининг ташкилий тузилмалари фаолиятини тахтатиш тўғрисида»ги Фармони фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини анчагина чеклашга, кейинги йиллардаги демократик ғалабаларни йўққа чиқаришга ва жамоат тузилмалари билан давлат идоралари ўртасида мухолифликни кескинлаштиришга қаратилган. Қонунга хилоф бўлган шу ҳужжат ёрдамида одамларнинг фуқаролар тотувлигига эришиш умидларига зарба урилди, энг катта иттифоқдош республикада ҳеч бир ўринсиз сиёсий кескинлик вужудга келтирилди.

Фармоннинг амалга оширилиши меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштироки хилма-хил шакллари тўхтатиб қўйилишига олиб боради ҳамда меҳнат аҳлига нисбатан маъмурий ўзбошимчаликка ва бедодликка йўл очади, айниқса, бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда зарур бўлган ижтимоий ҳимоя тартиб-қоидаларини заифлаштиради. У ҳамма қабул этган ҳамда фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мустаҳкамланган меъёрларни бузади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Фармоннинг демократияга ва Конституцияга қарши йўналишини, мамлакатни авторитаризм йўлига буриб юборишдаги уринишларни кескин қоралаётган касаба уюшмаси, жамоат ташкилотларининг, коммунистлар йиғилишларининг баёнотларини қўллаб-қувватлайди.

Марказий Комитет Пленуми совет жамиятидаги демократик ўзгартишлар жараёнини чинакам халқ ҳокимияти руҳида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари қонун доирасида иш кўриб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини изчил равишда ҳимоя қилаверади, халқ депутатлари Советлари, касаба уюшмалари, корхоналарнинг раҳбарлари ва жамоат ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилаверади. Партия ташкилотлари ўзларининг меҳнат жамоаларида ишлаш ҳуқуқини одамлар учун ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда кун сайин фаол иштирок этиш йўли билан тасдиқламоқдалар.

Марказий Комитет Пленуми барча партиялар ва ҳаракатларга, касаба уюшмаларининг, ёшларнинг, хотин-қизлар, фахрийларнинг ташкилотларига ва бошқа жамоат ташкилотларига мурожаат этиб, совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида бирлашишни таклиф қилади.

Пленум РСФСР коммунистларини ўз сафларини жипслаштиришга, сабр-матонатли бўлишга, уюшқоқликни сақлаб қолишга, меҳнат аҳлининг туб манфаатларини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилишга чақиради. Пленум қатнашчилари Россия Федерациясининг коммунистлари билан бирдам эканликларини изҳор этадилар. Ҳуқуқ ва қонун бизнинг тарафимизда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Президентига, СССР Олий Кенгашига, СССР Конституциявий назорат комитетига мурожаат этиб, РСФСР Президентининг Фармонини зуллик билан ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашни, демократик ғалабаларни ҳимоя қилишни қатъиян таклиф этади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1991 йил 26 июлда қабул этилган.

Ж. А. Абдуллаев нутқи

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТР ТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ РЕКТОРИ

Владимир Антонович Ивашко Бутуниттифоқ телекўрсатувининг биринчи программаси орқали яқинда ўтказилган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Пленумига тақдим этиладиган Дастур лойиҳаси ҳужжатнинг саккизинчи нусхаси эканини айтди. Шу муносабат билан мен КПСС Устави лойиҳаси билан бўлган воқеани эсладим, ўшанда ярим йил давомида миллионлаб коммунистлар бир нусхани муҳокама қилдилар-у, XXVIII съезд бошланишига бир ҳафта қолганида делегатларга бошқа нусха таклиф этилди, унда коммунистларнинг кўпгина таклифлари етарли равишда акс этмаган эди. Бу сафар ҳам шундай бўлмаса яхши эди.

Шахсан мен ушбу лойиҳани партия Дастурининг асоси қилиб олиш учун овоз бераман. Эҳтимол, бу сафларимизни жипслаштириш ва КПССнинг бутунлай парчаланиб кетишига йўл қўймаслик учун охирги имконияти-дир.

Ўзбекистон коммунистлари жипслашувни, ижтимоий тотувликни, КПССнинг яхлитлигини хоҳлайдиларми? Шак-шубҳасиз, хоҳлайдилар. Шу сабабдан воқеаларнинг бундай ривожланишига бор кучлари билан интилаверадилар. Аммо бундан биз КПСС Дастури ёки Уставини ҳар қандай тарзда пала-партиш тузатаверишга тайёрмиз, деган маъно чиқмайди. Шу боисдан мен бир қанча позициялар бўйича муаммонинг, менинг назаримда, қандай ҳал этилиши лозимлиги хусусида гапирмоқчиман, айрим қоидалар тўғрисидаги ўз фикримни айтмоқчиман.

Дастурнинг назарий ўзагини олиб кўрайлик. Хўш, у қандай? Яқин вақтларгача биз марксизм-ленинизм классикларининг таълимотига асосланар эдик. Хўш, Дастур лойиҳасига қайси таълимот асос қилиб олинган? Гарчи социализм ва коммунизм ҳақидаги сўзлар ҳамма жойда мавжуд бўлгандек туюлса ҳам Дастурга қайси таълимот асос қилиб олингани сезилмайди.

Иккинчиси. Лойиҳада баён этилган уч тезис мени жуда ҳайратда қолдирди: ҳар бир партия аъзосининг динга ишониш ёки даҳрийлик эътиқодларига амал қилиш эркинлиги ҳақидаги; КПСС ташкилотларидан бирида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳуқуқи тўғрисидаги; партияга моддий мадад бериш ёки бермаслик масаласини ўзи ҳал қилиш ҳақидаги тезислар шу жумлага киради, агар ўртоқларнинг эсида бўлса, икки сўнгги тезис ҳақидаги масала РСДРП II съездидаёқ кўндаланг бўлиб турган эди. Хўш, энди биз Ленин билан Мартовнинг тугамай қолган баҳсига қайтамизми? Партия ташкилотларидан бирида ишлаш ёки ишламаслик, бадаларни тўлаш ёки тўламаслик имконияти деганда КПССнинг ташкилий бирлиги ва тузилишини синдириб ташлаш, унинг остига бора-бора портлайдиган яна бир мина жойлаб қўйиш муддаоси яшириниб ётганлиги соғлом фикрли ҳар бир коммунистга равшанку, ахир. Шу сабабли мен М. С. Горбачев нутқининг баъзи қоидаларига қўшила олмайман.

Бошқа тезис — диндорлар ва худосизлар ҳақидаги тезис — ҳозир динга берилиш расм бўлганини эътиборга олганда, эҳтимол унчалик даҳшатли эмасдир. Аммо у марксизм таълимотининг тамал тоши бўлмиш материализм билан қовушадими? Қовушмайди.

Учинчиси. Менга маълум бўлишича, Ўзбекистон Компартияси ўзининг Марказий Комитети орқали Дастур лойиҳасини бирин-кетин таҳлил этар экан, битта муҳим жиҳатга икки марта эътиборни қаратди, чунончи, Дастур лойиҳасининг иккинчи бўлимида: жаҳон социалистик тузуми, Варшава Шартномаси нега барбод бўлди, Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларида КПСС тузилмалари парчаланиб кетганлигининг илдизлари нималардан иборат. Бу қандай оқибатларга олиб боради? — деган саволларга жавоб йўқ. Ахир булар икир-чикир саволлар бўлганида эди, улар ҳақида индамай, бир оғиз ҳам гапирмай қўяқолиш мумкин эди. Бу — тарих сабоғи эмасми, бинобарин назарий идрок этиш мавзуи эмасми, ахир?

Тўртинчиси. Тақдим этилган лойиҳанинг тузилиши, ички тузилиши барибир мени қаноатлантирмаяпти. Институтнинг ректори сифатида, ёшларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларига кун сайин дуч келиб турган инсон сифатида Дастурда «Партия ва ёшлар бўлими» деган махсус бўлимни кўрги́м келади, чунки партиянинг ёшлар сиёсатидаги аниқ фикрларини таърифламай туриб, ёшларни ўз тарафига жалб қилмай туриб, муваффақиятга умид боғлаб бўлмайди. Бундан ташқари «Партия бозор иқтисодиёти шароитида» деган кичик бўлимга зарур аниқлик киритган бўлур эдим. Ҳозирча бу мавзудаги ғоялар лойиҳанинг ҳамма саҳифаларида сочилиб ётибди.

Бешинчиси. Жузъий жиҳатлардан фақат бир нечасига тўхталмоқчиман. Буни қаранг икки ҳолатда бўлажак Иттифоқ Дастур лойиҳасида мустақил республикаларнинг федерацияси деб, учинчи ҳолатда эса мустақил давлатларнинг федерацияси деб таърифланган. Энг муҳим таърифдан фойдаланишда бундай номувофиқликни бартараф этиш зарур. Чунки бундай миқёсдаги ҳужжат учун бу қадар номувофиқликка йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир гап. Лойиҳанинг биринчи бўлимида КПСС, жумладан, умумбашарий қадриятлар партияси ҳамдир, деб айтилган. Бу яхшидек туюлса ҳам, аммо умумбашарий қадриятларнинг ўзи нима? Ҳар ҳолда умумбашарий қадриятлар мезонини ва уларнинг синфий манфаатларга нисбатини таърифлаб бериш керак. Меҳнаткашларнинг социалистик адолат ҳақидаги азалий орзуси гарчи синфий қадрият бўлсада, у ҳам умумбашарий қадриятларнинг бир белгисидир. Умумбашарий манфаатлар синфий манфаатлардан таркиб топмадими, ахир?

КПССдаги турли оқимлар ҳақида бир неча сўз. Менинг назаримда, стратегик мавқелари ва мақсадларига қараб уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ—КПСС билан муҳолифликдаги оқимлардир. Улар билан, уларнинг ўзлари биз билан қай тилда гаплашаётган бўлсалар ўша тилда гаплашмоқ керак. Иккинчи гуруҳ — КПСС доирасидаги муқобил ҳаракатларнинг тарафдорларидир. Бунинг ҳеч қандай хавфи йўқ, деб ўйлайман. Иккинчи гуруҳ тақдим этган барча фикрларда, лойиҳаларда гап партиянинг тақдири ҳақида, унинг халқ оммаси орасидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш муддаоси тўғрисида боряпти. Менинг англашимча, тафовут фақат ялпи муаммони ҳал этиш усуллари ва унга ташкилий ёндашувлар ҳақидагина бормоқда. Мана шунга асосланиб, мазкур лойиҳаларни, фикрларни шу қадар ўткир қарама-қарши қилиб қўйиш ўринлими, деган савол келиб чиқади. Модомики, пировард мақсадлар муштарак экан, мана шу муштарак негизга таяниб, манфаатпарастликдан воз кечиш ва умумий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш учун фикрларни яқинлаштириш йўлларини излаш оқилона иш бўлмайдими? Бундай ёндашув партиянинг сафларини бирлаштириш ва мустаҳкамлашга, партияда бошланиб келаётган тангликни унинг омма орасидаги обрў-эътиборига унчалик путур етказмай бартараф этишга кўмаклашган бўлур эди. Чунки мамлакатда ривожланиб бораётган кўп партиялилик шароитида партиямизнинг бирлигини сақлаб қолиш нақадар муҳимлиги ҳар бир коммунистга равшанку, ахир.

Шундан кейин нотиқ мамлакат сиёсий турмушининг бошқа баъзи муаммолари хусусидаги ўз мулоҳазаларини айтди. Аввало «тўққизлар»нинг машҳур мурожаатномасига ўз муносабатини билдирди. Демократия шароитида бу мурожаатнома пайдо бўлганининг ҳеч бир алоҳида жиҳати йўқ, деб таъкидлади нотиқ. Бироқ бу мурожаатномага партия ва давлатнинг юқори табақасидаги кишилар имзо чекканликлари кишини ўйлашга мажбур этади. Хўш, улар Сиёсий бюро аъзолари, Президентнинг маслаҳатчилари, халқ депутатлари ва вазирлар бўлган пайтларида ўз ғояларини рўёбга чиқаришларига нималар халақит берди экан? Нега улар кўкламги эҳтиросларнинг жазаваси-дан кейин вазият барқарорлаша бошлаган бир пайтни танлаб олдилар? КПСС билан ёнма-ён йўлдан бориш учун албатта унинг сафидан чиқиш ва КПССда юзага келган ҳамда унинг ўзи амалга ошираётган ғояларни эълон қилиш нечун керак бўлиб қолди? Кўринишидаги, саволлар кўп. Аммо, чамаси, жавоб битта. Машҳур мурожаатномани имзолаган кишилар энг одий нарса, хусусан: ўзларининг ижтимоий аҳволини сақлаб қолиш илинжида шундай қилганлар.

Ахлоқийлик нуқтаи назаридан Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг партиясазлаштириш тўғрисида куни-кеча эълон қилинган фармонини ҳам тахминан шундай баҳоласа бўлади. Хай, майли, партиядан кетар экансан, ғояларга эмас, балки халққа хизмат қиламан, деб ҳисоблай қол. Шундай бўлақолсин, аммо нега энди айни вақтда бошқаларни энг оддий сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш керак бўлиб қолди? Бугун Пленум мана шу иккала фактга сиёсий баҳо берищи керак, чунки холисона айтганда, униси ҳам, буниси ҳам партияга қарши қаратилган.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиздаги сиёсий вазият жуда жиддий. Айни вақтда республикамиз коммунистлари аҳволни ўнглашнинг иложи йўқ, бинобарин, баъзи партия ташкилотларини қўршаб олган ваҳимага эрк бериш мумкин, деб ҳисобламайдилар. Бунда мен шошилинч равишда КПССнинг фавқулодда съездини чақириш тўғрисидаги, Бош котибни ўзгартириш ҳақидаги ва бошқа даъватларни назарда тутяпман.

Фавқулодда съезд учун ҳаракат режаси ҳам зарур. Хўш, бизда шундай режа борми? Ҳозирча йўқ. Шу сабабли съезд оддий гапхонага айланиб кетади ва аслида унинг очилишига партиянинг келишиб олинган Дастури нусхаси тайёрлаб қўйилмаса, у ҳеч қандай наф бермайди. Келинглар, комиссиянинг бу соҳадаги иши тугашини кутайлик, лойиҳани матбуотда эълон қилайлик, уни партия ташкилотларида, меҳнаткашлар орасида муҳокама этайлик. Ҳар ҳолда бизнинг республикамиз коммунистлари ҳозирча фавқулодда съездни шошилинч равишда чақиришга ўткир эҳтиёж сезмаяптилар, бошқа амалий ишлар ҳаддан ташқари кўп. Иқтисодиётдаги тангликдан чиқиб олиш, одамларнинг нормал турмушини йўлга қўйиш, аввало уларнинг муаммоларини ҳал этиш бизнинг бош вазифамиздир. Шундагина сиёсий муаммоларни оқилона ҳал қилиш учун моддий негиз вужудга келтирилади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсатида

27 июль куни «Комсомольская правда» рўзномасида Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилганлиги ҳақида хабар босиб чиқарилганлиги муносабати билан Олий Кенгаш Раёсати ўзининг 29 июлдаги мажлисида ушбу хабарнинг қай даражада тўғри эканлигини текшириш материалларини ҳамда махсус ўтказилган экспертиза хулосасини кўриб чиқди.

«Комсомольская правда» рўзномасининг 27 июль шанба сонида «Қаттиққўл — қайта қуриш омили» суҳбатидан сўнг (айтганча, бу суҳбатда Ўзбекистон ССР қонуний сайланган халқ депутатларининг эмас, айни вақтда «шундай вакилларни танлаган» ва «жумҳуриятнинг шундай парламентини» сайлаган халқнинг ор-номуси ва қадр-қимматини камситишга йўл қўйилган») К. Бобожоновнинг қатъият билан ёзилган ахборотида айтилишича, гўёки, 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ шоири, Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Воҳидовнинг машинаси мерганлик милтиғидан ўққа тутилган эмиш.

Тегишли мўътабар идоралар синчковлик билан ўтказган текшириш бу уйдирманинг мутлақо асоссиз эканини кўрсатди, унда сиёсий мақсад ва эҳтимолки, мазкур суҳбатни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган мақсад кўзлангани шундоққина кўринибди турибди. Мутахассисларнинг хулосасига қараганда, автомобиль томидаги эзилган жой ва уч бурчак шаклидаги битта тешик ўт очувчи қурол қўлланганлигининг натижаси эмаслигини, балки атиги бир неча миллиметр ичкарига ўйиб кирган ва ҳатто кабинанинг ички қопламасига ҳам зарар етказмаган қандайдир нарсанинг таъсири натижасида рўй берганлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, кабина ичидаги қоплама билан автомобиль томи орасида бошқа ҳеч қандай ўзга нарсалар топилмади.

Шундай қилиб, Эркин Воҳидов тушган автомашинага ҳеч қандай ўқ отилмагани расман аниқланди. Уйдирма муаллифи ҳам ўзи ўйлаб чиқарган экспертиза ва «мерганлик милтиғи тўғрисида» ҳеч қандай маълумотни келтирмаган эди.

Раёсат мажлисида сўзга чиққан П. Қодиров, П. Қ. Ҳабибуллаев, Э. Т. Шайхов, Ш. Мирзаев ва бошқалар мана шу ёлғон хабар учун Эркин Воҳидовнинг номзоди танлаб олингани тасодифий эмаслигини алоҳида таъкидладилар. Мана шу сиёсий ифвогарлик ташкилотчилари шоирнинг машҳурлигидан фойдаланиб, республикадаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг мустақил давлат сифатида қарор топиши жараёнига яна бир бор зарба уришга уриндилар.

Машҳур шоирни республика раҳбариятига қарама-қарши қўйиш мана шундай бузғунчилик сиёсатининг бўғинларидан бири эканини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Шу сабабли раёсат аъзолари Ўзбекистон ССР ва унинг раҳбарияти шанига қилинаётган бундай ифвогарликларга чек қўйилишини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг эса, Ўзбекистон ССРнинг оммавий-ахборот воситалари тўғрисидаги амалда бўлган қонунчилигига оғишмай риоя этилишини таъминлашини талаб қилдилар.

Раёсатнинг сўзга чиққан барча аъзолари бундай ифвогарликларнинг аниқ ташкилотчиларини топиш, уларни ишлаб турган жойидан ва лавозимидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш зарур, деган таклифни айтдилар. Улар бу таклифни ўз сайловчиларининг талаблари билан асосладилар.

Мажлисда сўзга чиққан Э. Воҳидов бу ёлғон хабар кўпдан-кўп дўстларимнинггина эмас, оила аъзоларимнинг ҳам тинчлигини бузди, деди. Уйдирма муаллифи бўлмиш К. Бобожоновни мутлақо танимаслигини, у билан учрашмаганлигини, суҳбат қилмаганлигини, ўзига суиқасд қилиш эҳтимолини мутлақо истисно этишини ва шу сабабли тегишли идораларга мурожаат қилмаганини айтди.

Раёсат мазкур масала борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ахборотини тинглаб, текшириш натижаларини кўриб чиқиб, Эркин Воҳидовнинг ёлғон хабар муаллифи билан ҳеч қандай суҳбат қилганим йўқ, деган гапини, ўзим менга суиқасд қилингани эҳтимолини истисно этаман ва бу масала юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилмаганман, деган гапини эътиборга олди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатларига мамлакатдаги ва республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни эътиборга олиб, турли-туман ифвогарларга қарши кўпроқ сергаклик ва сабр-матонат кўрсатиш, ўзларининг халқ вакили деган юксак номидан айрим шахсларнинг мустақил республика кўп миллатли аҳолисининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мутлақо алоқаси бўлмаган ҳуник мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик тавсия этилди.

Раёсат К. Бобожоновнинг 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилгани ҳақида «Комсомольская правда» рўзномасида эълон қилинган хабарини Иттифоқ ўқувчисини қўпол равишда чалғитиш деб, шунингдек республикадаги вазиятни бекарорлаштириш учун муайян жамоатчилик фикрини шакллантиришга уриниш деб, ҳисобладиқ.

Жумҳуриятимизда яшаётган баъзи мухбирлар ва мақолалар муаллифларининг ножўя ишлар қилишаётгани таъкидланди. Улар иштирокида баъзи марказий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ССР тўғрисида нотўғри ва нохолис материаллар пайдо бўлди. Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига бундай мухбирлар ва муаллифларнинг хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон ССРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига қай даражада мос келишини ва мавжуд қонун бузилганлик фактлари аниқланган тақдирда материалларни тергов органларига бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети гўёки Ўзбекистон ССР халқ депутатига суиқасд қилинганлиги факти юзасидан жиноий иш қўзғатгани ва тергов олиб борилаётгани тўғрисидаги хабар маълумот учун қабул қилинди. Тергов якунлари юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ахборот бериш республика Давлат хавфсизлиги комитетига топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик ва депутатлик ахлоқ-одоби комиссиясига ҳамда Олий Кенгаш Котибиятининг ҳуқуқ бўлимига қабул қилинган қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

• Навоий мукофотига номзодлар

ИСКАНДАРДАН ИЛҲОМЛАНИБ...

Қозоқ совет поэзиясига етмишинчи йилларда кириб келган Насипбек Айтов бугунги кунда таниқли шоир, моҳир таржимон сифатида унумли қалам тебратмоқда. Унинг турли йилларда нашр этилган «Кўклам нафаси», «Илк қадам», «Отам ҳақида сўз», «Қалб ҳайқириқлари», «Навқирон ўғлонлар», «Кумуш тугма», «Кечаси учган турналар», «Тилла сандиқ», «Кун нега қаримайди?» шеърлар тўпламлари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинниб, миллий адабиёт ривожига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди.

Шоир ижодини кўздан кечирсак, у она Ватан жамолини жўшиб куйлаш билан бирга, қозоқ халқи ҳаётининг ўтмиши ва бугунини, ажойиб табиат манзараларини, меҳнат кишиларининг орзу-умидларини фаол тараннум этаётганлигининг гувоҳи бўламиз. У халқлар дўстлиги ва биродарлигини, социалистик интернационализм ғояларини айрича муҳаббат билан куйлайди. Унинг дўстлик куйчиси, жарчиси, деб эътироф этилгани шундан. Айтов қардошлар адабиёти тарғиботчиси сифатида ҳам ҳурматга лойиқ. У улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий «Хамса»сининг «Садди Искандарий» достонини 1989 йилда ўз она тилисига таржима этиб, уни қозоқ халқининг, кенг китобхонларнинг маънавий-маданий мулкига айлантирди.

Тўғри, Алишер Навоийнинг айрим асарлари, шу жумладан, баъзи ғазаллари улуғ шоир таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан 1948 йилдаёқ қозоқ тилига таржима этилган, ҳатто буюк носир Муҳтор Авезов сўзбошиси билан «Танланган асарлар»и босиб чиқарилган. Лекин шоирнинг «Садди Искандарий» достонини қозоқ тилига ўгиришга улгурилганича йўқ эди. Шунинг учун ҳам Олмаотадаги «Ёзувчи» нашриётида чоп қилинган «Искандар қўрғони» китобига сўзбоши ёзган Қозоғистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Раҳмонқул Бердибоев «албатта қилиниши керак бўлган масъулиятли ишга дадил журъат этиб, уддасидан чиқа олган жонқуяр шоир таржимонимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди», деб Насипбек Айтов ишига юксак баҳо беради.

Достонни асл нусха билан таққослаганда унда Алишер Навоий ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўла сақланган ҳолда асар пухта таржима этилганлигининг шоҳиди бўламиз. Масалан:

Бес китап — бес қазина асли маржан,
Кешеди ғазирларға ғасирлардан.
Жан-жаққа кўз жиберип жалтақтадим.
Туркиден мундай асил мен таппадим.
Ой — асил, журек—батил, ақил — санглақ,
Алтиндай ер юзинде жатир салмақ.

Асл нусха руҳини мукаммал ифодалаган ажойиб мисралар! Оригинал руҳини тўла сақлаган бундай таржималар достонда жуда кўп.

«Садди Искандарий» асарини ўз она тилида ўқиган қозоқ китобхонлари, шеърият мухлислари энг аввало Алишер Навоийнинг сиёсий, ижтимоий, фалсафий ва дидактик қарашлари билан танишадилар. Улар, Искандарнику турган гап, Арасту, Афлотун, Суқрот каби алломаларни ҳам дилдан севиб қоладилар. Фалсафа, тарихи, этнография ва бошқа фанларга оид характерли маълумотлар қозоқ ўқувчиларини маънан бойитади. Қардошларимиз беихтиёр таржимачилик санъатидан, халқлар дўстлигига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилаётган адабий алоқалардан, қолаверса, иқтидорли шоир ва таржимон хизматидан мамнун бўладилар.

Ҳа, Насипбек Айтов қардошлигимиз ва ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга, равнақ топтиришга фаол кўмаклашаётган дўстларимиздан бири! У ҳозир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони таржимаси устида иш олиб боряпти. Машҳур «Хамса»нинг бошқа достонларини ҳам келгусида қозоқ тилига ўгиришни ният қилган. Биз адабиётимизнинг жонкуяр, билимдон дўстининг Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилганини дилдилдан қўллаб-қувватлар эканмиз, унинг келажакдаги хайрли, эзгу режалари ҳам кутилганидай амалга ошади, деб ишонамиз.

Т. БОБОЕВ,
Қ. СЕЙДОНОВ,
филология фанлари номзодлари.

1 августдан бошлаб келгуси йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна бошланади

ОБУНА ВА НАРХ-НАВО

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ •

Август ойидан бошланадиган «Обуна-92» мавсуми ахборот бозорини анчагина кенгайтириш шароитларида ўтади. Ўзбекистон ССРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги» қонунига биноан жумҳуриятимизда шу йилнинг 1 июлига қадар 308 та рўзнома ва 47 та ойнома рўйхатдан ўтказилган. Бозор муносабатларига ўтиш, алоқа хизмати ва қоғоз нархларининг ошиши муносабати билан даврий нашрлар аҳволи ва нархи қандай бўлади? Махсус мухбиримиз А. РЎЗИЕВ Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг директори Ислом ШОҒУЛОМОВга муштарийларни қизиқтираётган саволлар билан мурожаат этди.

— Замонавий матбаачилик даргоҳи бўлган нашриёт корхонаси мамлакатдаги «Правда» ва «Ряданьска Украина» нашриётларидан кейин учинчи ўринда туради, — деди И. Шоғуломов. — Ҳозир ҳар куни бу ерда 50 дан ортиқ марказий ва жумҳурият, вилоят, шаҳар ҳамда тармоқ рўзномалари чоп этиляпти. Уларнинг бир кунлик нусхаси 6 миллиондан ошади. Нашриёт жамоаси уларнинг сифатли ва ўз вақтида чиқишига ҳамда муштарийлар қўлига етиб боришига ҳаракат қиляпти. Лекин баъзан бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра нашрнинг кечикиш ҳоллари ҳам бўляпти. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда бундай камчиликни тугатиш учун биргаликда чоралар кўраяпмиз.

— «Обуна-92» кампанияси ўтган йилги обуна мавсумидан қайси жиҳатлари билан фарқ қиладн?

— Янги обуна мавсуми аввало бозор иқтисодиётига ўтилиши, энг асосий хом ашё — қоғоз, матбаа материаллари, алоқа хизмати кўрсатиш, шунингдек матбаа ишлари қимматлашуви муносабати билан рўзномалар ва ойномалар таннархи анчагина ошиши билан фарқ қилади. Масалан, 1991 йилда «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бир донаси муштарийларга 8 тийинга, нашриёт учун эса 7 тийинга тушаётган эди. Материаллар ва хизмат кўрсатиш нархи ошиши муносабати билан «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномалари қарийб 15 тийин ва ундан ортиққа тушмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида халқимиз оғирини енгил қилиш, турмушини яхшилаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Халқимизнинг матбуот турларига бўлган эҳтиёжи, партия ва ҳукуматнинг аҳолини мафкуравий нашрлар билан таъминлашдан манфаатдорлигини ҳисобга олиб, ҳозир обуначилар учун зарур шароитлар яратяпмиз. Шу мақсадда рўзномаларнинг бир сони нархи 10 тийин қилиб белгиланди.

Бозор иқтисодиётининг энг аввало вақтли матбуот нархига ўз таъсирини ўтказгани, унинг қимматлашгани сабабли бошқа бир қатор республика рўзномалари сингари «Совет Ўзбекистони»нинг чоп этилиши нусхаси камайишига сабаб бўлди. Бундан икки йил муқаддам бир миллионга яқин нусхада чиққан рўзнома ҳозир ярим миллиондан камроқ нусхада чоп этилаётир. Бу аҳоли ўртасида мафкуравий ишларни олиб боришга ҳам бироз таъсир ўтказяпти. Шуни ҳисобга олиб бу йил обуначилар ҳуқуқларини тиклашга қаратилган қатор тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси шу мақсадда катта сарф-харажатлар қилмоқда.

— Рўзномалар нархи ошишининг асосий сабаби нимада?

— Илгари бир тонна газета қоғози 280—300 сўм атрофида бўларди, ҳозир эса унинг нархи тўрт баробар ошиб кетди. Келажакда қоғоз комбинатлари ўз маҳсулотлари нархини янада кўтаришлари мумкин. Биржалар орқали олди-сотдига ўтилиши ҳисобга олинадиган бўлса, унда қоғоз нархи ўн баровар ошиши аниқ.

Журналистлар ва матбаачилар иш ҳақи энг кам миқдорда бўлса ҳам бироз ошди, бунга бир неча миллион сўм кетмоқда. Бўёқлар ва бошқа матбаа материаллари, алоқа хизмат нархларининг қимматлашуви қўшимча сарф-харажатларни талаб этмоқда. Буларнинг ҳаммаси рўзноманинг таннархи ошишига олиб келяпти.

Шунга қарамай биз ҳозир рўзнома ва ойномаларнинг нархи қимматлашганлиги учун муштарийларга ўнғайлик яратиш имкониятларини излаяпмиз. Жумладан, рўзнома ва ойномаларнинг таннархини пасайтириш мақсадида нашрларнинг ҳажми ва даврийлигини ўзгартиришга тўғри келяпти.

— Обуна ва чакана нарх ўртасидаги анчагина фарқнинг бонси нимада?

— Анъанага кўра обуначи рўзнома ва ойномаларнинг доимий муштарийси сифатида ҳамиша катта имтиёзга эга, чунки у тўлаган обуна ҳақи нашриёт иқтисодиёти барқарорлигини таъминлайди. Дўконлардан кундалик рўзнома харид қиладиган муштарий эса унинг фақат шу бугунги нархининг бир қисмини кўтаради холос... Нашриёт қоғоз ва бошқа материалларни бир неча ой илгари сотиб олади. Муштарийлар ўтказган обуна пули эса ана шу сарф-харажатларни кўтаришда асосий омил бўлади. Доимий обуначиларга катта имтиёз берилишининг боиси ҳам ана шунда. Кўриниб турибдики, даврий нашрларга обуна бўлиш муштарий учун арзон ва қулай.

— Обуначиларга баъзан рўзнома ўз вақтида етказиб бернлмаганлиги сабабли эътирозлар айтляпти. Ишдаги бу нуқсонни тугатиш учун нима қилиш керак?

— Дарҳақиқат обуначиларни ранжитаётган шундай ишлар ҳам бўлиб турибди. Рўзномалар кечикишига сабаблар кўп. Шулардан бири Ўзбекистон ахборот агентлигидан кечикиб келган расмий хабарлар кўпинча рўзноманинг шу сонида берилиши талаб этилишидир. Бу эса ўз ўрнида тайёр саҳифаларни бузиб, уларнинг янгидан саҳифаланишига олиб келади. Натижада рўзноманинг графикда чоп этилиши кечикади. Бундан ташқари босмахона, матбаа корхонаси, таҳририят, алоқа бўлимларидаги айрим камчиликлар ҳам рўзномалар кечикишига сабаб бўляпти. Матбаа тартибига кўра муштарий ўзи обуна бўлган рўзномани эрталаб ўқиши керак. Ҳозир кўпинча у ишдан қайтгачгина рўзномани олиб ўқияпти. Энг муҳими — бу журналистлар, матбаачилар, почта-алоқа бўлимлари, авиация, транспорт, темир йўл ходимлари масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўз вақтида рўзномани обуначиларга тарқатиш ва етказиб берилишини таъминлашлари лозим.

— Ислом Шомуродович, суҳбатимизни анъанавий савол билан якунласак, даврий нашрлар нархининг ошиши ёки камайиши масаласи кимга боғлиқ. Шу ҳақда фикрингиз қандай?

— Бу, энг аввало, қоғоз комбинатларининг ўз маҳсулотига қандай нарх қўйишига боғлиқ. Қоғоз нархлари қатъий бўлса, унда даврий нашрлар нархи ўзгармайди. Нашриёт ҳам ўзи чиқараётган маҳсулотлар таннархини камайтириш учун барча чораларни кўради. Қолаверса, биз бундан буён ҳам даврий нашрларнинг ҳозирги нархини сақлаб қолиш учун катта сарф-харажатлар қилаяпмиз. Бутун ақл-фикримиз, ҳаракатимиз муштарийлар ўз севимли рўзномаларини вақтида олишларига, нарх-наво ошишидан зиён кўрмасликларига қаратилган.

Сўзимнинг якунида яна бир нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. Марказий рўзномалар ва ойномалар нусхаси камайиб кетганлиги натижасида ҳозир босмахонамизда анчагина ишлаб чиқариш қувватлари бўшади. Мавриддан фойдаланиб, қоғоз фондларига эга бўлган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, бирлашмалар, фирма ва уюшмаларни, шунингдек кооперативлар ҳамда хусусий шахсларни учрашувга таклиф этмоқчиман. Мазкур учрашувда китоблар, ойномалар, буклетлар, проспектлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини кўп нусхада чоп этиш имкониятлари муҳокама этилади. Айниқса, эркин алмаштириладиган валютага эга бўлган ташкилотлар ва шахсларни ана шу учрашувга таклиф этамиз.

Валютага эга бўлган хорижий фирмалар билан ишлаш эса бизга ишлаб топилган маблағ ҳисобига энг янги матбаа асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва техникасини сотиб олишимизга имкон беради. Дарвоқе, яқин орада Ленинград кўчасида, «Зарафшон» ресторани қаршисида офис очилади. Унда маҳсулотларимиз намуналари намойиш этилади, матбаа хизматларидан фойдаланиш ниятида бўлган ҳар бир буюртмачи билан музокаралар олиб борамиз. Лекин бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз рўзномалар ва ойномалар муштарийларига яхши хизмат кўрсатишдан иборат. Фурсатдан фойдаланиб ҳурматли муштарийларимизни биринчи августдан бошланадиган вақтли матбуотга обуна кампаниясини ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ўтказишга чақирмоқчиман.

ХУШХАБАРЛАР

Шароит яратилди

Уйчи районидаги «Ленинчи йўл» жамоа хўжалигининг Эргашбой Қамбаров бошлиқ бригадаси дала шийпонида колхозчиларга етарли шароитлар яратилган. Бригада томорқасида полиз экинлари билан бир қаторда сабзавот ўстирилмоқда. Масаллиқ етарли бўлгани учун тушлик овқат мазали бўляпти.

Бригада ёрдамчи хўжалигида бир бош қорамол, 4 бош қўй, 100 та парранда боқилмоқда. Одамларни ишга олиб келиш ва уйига олиб бориб қўйиш учун алоҳида машина ажратилган. Ҳайдовчи Аҳмаджон Болтабоев ҳамманинг ҳурматига сазовор. Хўжалик бошқарувининг ташаббуси билан бир неча йилдан буён колхозчилар шанба ва якшанба кунлари мириқиб дам олмоқдалар.

Бригада заршунослари бу йил 60 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Айни кунларда вақтида ишлов берилиб, сувга қондирилган ғўзаларда шоналар гулга, гуллар кўсакка айланмоқда. Бу механизатор Абдурамат Алматов, пудратчи Рислиқхон Абдуллаева, Мавжудахон Жумаева, Баҳром Отажонов ва бошқаларнинг фидокорона меҳнатлари туфайлидир.

Хуллас, бригаданинг 59 нафар пудратчиси кузда уйилажак хирмонга мустаҳкам замин яратмоқда.

Р. АБДУҒОФУРОВ.

Сабзавоткорлар ғайрати

Избоскан районидаги Тельман номли жамоа хўжалиги сабзавоткорлари 2,5 гектар ердаги карамдан 32 тонна, 3 гектар ердаги пиёздан 100 тонна, 3 гектар майдондаги помидордан 133 тонна ҳосил йиғиштириб олишни режалаштирган эдилар.

Қилинган меҳнат ўз самарасини бера бошлади. Ҳозирга қадар эртаки карамдан 31 минг 300 тонна ҳосил олиниб, ўрнига кечки карам экилди. 70 тонна пиёз, 5 тонна помидор ҳосили йиғиштириб олинди.

— Жамоамиз аъзолари ўзлари етиштирган маҳсулотлар билан аввало хўжалигимиз аъзоларини таъминлашга аҳд қилганлар, — дейди сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Турсунқул Зокиров. Ҳозирданоқ дала шийпонларига сабзавотлар чиқарилиб, аҳолига тарқатилмоқда.

Илгор сабзавоткорлардан Валижон Акбаров, Холмамат Холмирзаев, Шаробиддин Исоқовлар ғайрат-шижоат билан иш олиб бормоқдалар.

М. ТУХТАНАЗАРОВ.

СИФАТЛИ ТАЪМИРЛАНДИ

Машҳур пахтакор Мавлонполвон Ғафуров номи билан юритилаётган пахта қабул қилиш пункти ноҳия марказидан 15—20 чақирим узоқда жойлашган. У Эски Анҳор канали массивида деҳқончилик қилаётган уч хўжаликка хизмат қилади.

Мазкур пахта қабул қилиш пункти (мудири Комилжон Асқаров) меҳнат жамоаси 1991 йил кузида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом районидаги «Комсомол», «Ленинобод», Охунбобоев номли жамоа хўжаликларидан 7 минг тонна пахтани қабул қилиш учун ҳар томонлама шайланиб турибди. Мавжуд 22 та пахта ғарамланадиган майдонча, 10 та «ТЭЛХ-18», 10 та «ПЛ», 3 та «РБХ» пахта юклагич транспортёрлари, 5 та вентилятор сифатли таъмирланди.

Пунктдаги асбоб-ускуна, агрегатларни мавсумга тез, сифатли ҳозирлашда Зокир Самариддинов, Мусурмон Қурбонов, Қаҳрамон Номозов, Озод Сатторов, Бекмурод Пардаев, Тоштурди Аннаев сингари серғайрат слесарь, электрик ва механиклар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Н. ЭШҚУВВАТОВ.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Қишлоқ аҳолисини қўшимча озиқ-овқат ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш Наманган районида босқичма-босқич амалга оширилаётир.

Оржоникидзе номли жамоа хўжалигида бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ва сифатли дон етиштириш мўлжалланган. Бу борада дастлабки қувончли кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, 248 тонна ўрнига 290 тонна ғалла ҳосили йиғиб, саранжомлаб олинди. Хўжалик бошқаруви, партия қўмитаси ва касаба уюшмаси мавжуд аҳоли хонадонларини ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Шунга кўра 1250 хонадонга 100 килограммдан дон тарқатиш кўзда тутилди.

— Албатта, бу аслида оз, — дейди жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси Турсунбой Маҳкамов, — Лекин, арғамчига қил қувват, деганларидек йиғиб олинган дон ҳосилидан рўйхат бўйича улашяпмиз. Ҳозирга қадар 35,5 тонна дон тарқатилди. 355 киши бу имтиёздан баҳраманд бўлди.

Хўжаликда донни қайта ишлаб, унга айлантирувчи қадимий тегирмон тикланаётир.

— Бизнинг хўжалигимизда ҳам бу тадбир уюшқоқлик билан амалга ошириляпти, — дейди «Қизил байроқ» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Маҳмуджон Қувонов. — Қарийб 100 кишига 100 тонна буғдой тарқатдик. Бу имтиёздан биринчи галда қариялар, кўп болали хонадонлар, дала меҳнатчилари фойдаланишяпти. Мавжуд 10 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида соғин сигирлар сут-қатиғидан пахтакорлар баҳраманд.

А. ҚОРАБОЕВ.

• Тадбиркорлар бор бўлсин

«ГУЛЛАРИ»ГА ХОРИЖ ХАРИДОР

Тошкентнинг Шайхантоҳур мавзесида бир корхона бор. Бу — «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Унда қарийб тўрт минг хотин-қиз меҳнат қилади.

Дастгоҳларнинг бир маромда ишлаши ва улардан чиқаётган кўзни қамаштирувчи ранго-ранг, жилвакор палак ва сўзаналар, жойнамоз ва ҳар хил камалакранг кашталар худди эртакларданги «Боғи Эрам»ни эслатади.

Қўли-қўлига тегмай каштага тўқиётган қиз-жувонларнинг эпчиллиги, чаққонлигига завқланиб, уларнинг тайёрлаётган бадиий буюмларига, ўзига хос санъатига тасаннолар айтасан, киши... Ҳарна бўлганда ҳам, бозор иқтисодиётига ўтилаётгани муносабати билан бу ерда ҳам аҳвол анчагина мураккаблашгани шундоққина сезилиб турибди.

— Биз юзага келаётган қийинчиликларни енгиб ўтиш мақсадида чет эллар билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйдик, — дейди бирлашма директори Р. Отажонова. — Буни амалга оширишда Тошкент ишбилармонлар анжумани жуда қўл келди...

Чунончи, «Шарқ гули» бирлашмаси маҳсулотлари билан Покистоннинг «Космик текстильд» фирмаси қизиқиб қолиб, у билан ҳамкорликда қўшма корхона тузишга аҳдлашилди. Агар хайрли иш амалга оширилса, момиқ (махер) маҳсулотларидан тайёрланадиган қийим-кечаклар, халатлар, сочиқ ва бошқа буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Булардан ташқари, Покистоннинг Карочи, Исломобод ва Лоҳур шаҳарларидаги фирмалар бу корхонанинг келажакдаги иш режалари билан танишиб кетишгани ҳам жамоанг янги ва фойдали режалар тузишга илҳомлантиряпти. Шунингдек, Ҳиндистон ва Малайзиядан келиб Тошкент ишбилармонлар анжуманида қатнашган меҳмонлар ҳам бу корхонага анча-мунча буюртмалар беришди.

Яқинда Хитойда бўлган жумҳуриятимиз ҳукумат делегацияси билан «Шарқ гули»нинг моҳир тўқувчилари тайёрлаган 170 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар кўргазмага қўйиш ва сотиш учун юборилгани ҳам бежиз эмас. Бу жамоа учун қувонарли воқеа ва айни вақтда катта фахрдир.

«Шарқ гули»нинг довруғини таратаётган унинг қўли гул чеварларидир. Улар жуда кўп. Ҳозирча биз фақат попоп тикиш цехи илғорларинигина тилга олиб ўтамиз, холос. Нодира Парпибоева бошлиқ бу жамоанинг Феруза Абдурашидова, Наргиза Ҳошимова, Зайнаб Каримова, Жамила Мақсудова, Зилола Матқосимова, Маъмура Фозилбекова, Сабоҳат Тожиева каби ўнлаб, юзлаб чеварлари корхона шарафи учун сидқидилдан меҳнат қилиб, унинг номи ҳатто чет элларда ҳам танилишига салмоқли ҳисса қўшишяпти.

Хуллас, эртаклардаги «Боғи Эрам» гуллари турфа хил бўлгани каби «Шарқ гули» маҳсулотлари ҳам турфа хил. Ишнинг кўзини билиш, тадбиркорлик кўрсатиш, бор ички имкониятларни ишга солиш ишчиларнинг мавжуд қийинчиликларини енгиб, ана шундай сифатли ва сержилоҳ маҳсулотлар тайёрлашларида қўл келяпти. «Шарқ гули»га ўхшаган тадбиркор жамоалар сони кўпаяверсин, деймиз.

М. АВЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратқаш мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ суратга олган ушбу лавҳаларда корхона маҳсулотларидан айрим намуналар ва бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда каштачи Наргиза Ҳошимова акс этган.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИЙДИМИ?»

Рўзномамизнинг шу йил 29 май сонида эълон қилинган юқоридаги сарлавҳали мақолада жумҳуриятимиз аҳолиси ип-газламани, хусусан, оқ сурпни топишда қийналаётгани баён этилган эди. Ана шу муаммо хусусида ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ВАЗИРЛИГИдан расмий жавоб олинди:

— Мақола вазирлик томонидан кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг жумҳурият аҳолисига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари сотишни барқарорлаштириш ҳақидаги қарорига мувофиқ ҳар бир киши учун йилига 7,2 метр ип-газлама нормаси белгиланган. Бундан ташқари газлама ресурсларидан одамлар маросимларини ўтказиш учун 10 миллион метр, дафн маросими учун (ҳар бир киши учун 20 метр) 2,5 миллион метр ип-газлама ажратилган.

Ҳозир республикамизда мавжуд бўлган ип-газлама ресурслари агар саноат корхоналари уларни етказиб бермаган тақдирда ҳам турли маросимларни ўтказиш учун етарлидир.

Аҳолининг юқорида айтилган мақсадлар учун ип-газламага бўлган эҳтиёжини узлуксиз қондириш жойларда савдо ишларини ташкил этишга боғлиқ.

Шуни назарда тутиб, Савдо вазирлиги барча вилоят савдо бошқармаларига маҳаллий Советлар ижроия қўмиталари билан келишган ҳолда аниқ магазинларни белгилаб, у жойларда аҳолига белгиланган норма асосида сотилиши кўзда тутилган товарлар, шу жумладан, маросимлар учун ип-газлама сотишни йўлга қўйишни топширди.

«БОЛА АЗИЗ...»

Рўзномамизнинг шу йил 5 март сонида юқоридаги сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳри, хусусан Акмал Икромов районидаги болалар боғчаларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар очиб ташланганди. Мақола юзасидан ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ ҚЎМИТАСИдан расмий жавоб олинди:

— Мақола эълон қилинганидан буён ўтган давр мобайнида шаҳар партия қўмитаси шаҳар ижроия қўмитасига қарашли Халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда шаҳар боғчаларида қатор текширишлар ўтказди. Бунда Акмал Икромов районидаги мактабгача тарбия муассасалари ишида қўпол хато ва камчиликлар аниқланди. Хусусан, райондаги 17-болалар боғчасида шу йилнинг июнь ойида болалар овқатдан оммавий заҳарланган.

Акмал Икромов район партия қўмитаси қарорига кўра, район халқ таълими бўлими мудири, коммунист Ю. Эргашевга ҳайфсан эълон қилинди. Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси коллегияси қарорига биноан Ю. Эргашев, район халқ таълими бўлимининг мактабгача тарбия бўйича методистлари Г. М. Федяева, И. Байсаловалар лавозимларидан бўшатилдилар.

Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т. Акрамова ва мактабгача тарбия муассасалари инспектори Р. Тожибоевларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Шаҳардаги мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Пора олиш фактлари бўйича Акмал Икромов район прокуратураси томонидан тергов ишлари кетяпти.





БУХОРО ВИЛОЯТИ. Бухоро районидаги Фрунзе номли давлат хўжалигининг сабзавот дўкони бозорлар билан бемалол рақобатлаша олади. Чунки бу ерга ҳар куни янги узилган маҳсулотлар келтирилмоқда. Нарх-навони эса хўжаликнинг ўзи бошқаради. Бу бозордагидан анча паст. Бундан ташқари сабзавоткорлар ўз маҳсулотларини мактабгача таълим муассасалари, ошхона ва шифохоналарга етказиб бермоқдалар.

Яқинда хўжаликда италияликлар билан ҳамкорлик қилишга шартнома тузилди. Шунга кўра чет элликлар хўжаликда қурилаётган консерва заводига асбоб-ускуналар етказиб беришади. Хўжаликдагилар эса уларга экологик жиҳатдан тоза томат пастаси жўнатадилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Ота-бола Кенжаевлар 80 та уядаги асаларини меҳр билан парваришлайдилар. 2. Хўжаликнинг Бухоро шаҳридаги сабзавот дўконида. 3. Илғор ишчи Розия Жумаева.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган суратлар. (ЎзТАГ).

ИЖОДКОР ЗИЁЛИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

● Андижонда бўлган учрашувда халқимиз маданий меросини ўрганишнинг катта аҳамияти тўғрисида, ижодкор зиёлиларнинг жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш ҳамда ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ишидаги бугунги вазифалари ҳақида қизиқарли ва амалий суҳбат бўлди.

Вилоят ҳамда жумҳуриятимиз бир қанча вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари носирлар, шоирлар, рассомлар, журналистлар, маданият арбоблари билан мулоқотда бўлишди.

Кейинги вақтда, деб хабар қилинди учрашувда, вилоят маданий ҳаётида бир қанча муҳим воқеалар рўй берди. Масалан, кўпгина хорижий меҳмонлар иштирокида «Бобурнома»нинг 460 йиллигини, Ҳабибий таваллудининг 100 йиллигини байрам қилиш юзасидан ўтказилган тантаналар муваффақиятли бўлди. Бобур уй-музейи қурилди, унинг номидаги жамғарма тузилди. Ҳабибий уй-музейи бунёд этилди. Ҳозир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик юзасидан режалаштирилган ишлар амалга оширилмоқда. ЮНЕСКО қарорига асосан унинг юбилейи 1993 йилда нишонланади. Ўрта аср буюк мутафаккирининг юртдошлари тарих-музей мажмуи бўлган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғини вужудга келтиришлари, ғайриқонуний равишда қатли ом этилган шоир, шу диёрда таваллуд топган Абдулҳамид Чўлпоннинг боғли уй-музейини очишлари керак.

Вилоят ижодкор зиёлиларининг буюк юртдошларини ўрганиш, уларни оммалаштириш ва хотираларини абадийлаштиришдан ташқари, бугунги кунда кўпгина долзарб вазифалари бор — улар кўпгина юртдошларни тўлқинлантираётган долзарб мавзуларда янги асарлар яратишлари, рўй бераётган воқеалар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини мунтазам ўрганишлари, аҳоли истиқомат жойларида, меҳнат жамоаларида аниқ бир мақсадга йўналтирилган тушунтириш ишларини олиб боришлари, вилоят ва район рўзномалари саҳифаларидан, вилоят радиосининг эшиттириш вақтидан тўлароқ фойдаланишлари, ёшлар ва талабаларда жамиятимизнинг сиёсий ва иқтисодий турмуши тўғрисида тўғри дунёқарашни вужудга келтиришда ёрдам бериш учун улар орасида тез-тез бўлиб туришлари зарур.

Ижодкор зиёлиларнинг бундай ишлари вақтинчалик бўлмаслиги, маълум бир даврга мўлжаллаб ўтказилмаслиги, балки мунтазам ва изчил олиб борилиш таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров, Андижон вилоят ижроия комитетининг раиси Б. Т. Болтабоев нутқ сўзладилар.

К. НИЗОМОВ, (ЎзТАГ мухбири).

СССР Давлат банкидан

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 10 СЎМЛИК БАНК БИЛЕТЛАРИ (БАНКНОТЛАРИ)НИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат банки 1991 йил 30 июлдан бошлаб СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 10 сўмлик банк билетлари (банкнотлари)ни муомалага чиқаради.

СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасида 10 сўмлик билети СССР давлат банк билетининг 1961 йил нусхасидаги 10 сўмлик билети асосий тасвирларидан фойдаланиб, ранги ва матнлари ўзгартирилиб тайёрланди, қатида оқ ва қора беш қиррали юлдузчалар тасвирланган оқ қоғозда босилди, юлдузчалар бутун билет бўйлаб бир текис жойлаштирилган.

Билетнинг ўнг ва тескари томонларида қизил-пушти ва кўк ранглар кўпроқ бўлиб, билет ўртасидаги яшил ранг чизиқ четга борган сайин аста-секин пушти рангга мойиллашади:

Билетнинг ўнг томонида:

Ўнгда — В. И. Ленининг бўртма сурати, сўлдаги юқори бурчакда — яшил рангли СССР Давлат герби тасвирланган, «СССР Давлат банкининг билети» сўзлари тўқ қизил рангда, «ўн сўм» сўзлари кўк рангда нақшинкор ишланган катта «10» рақами фонида ёзилган, қуйида «Банк билетлари олтин, қимматбаҳо металлар ва Давлат банкининг бошқа активлари билан таъминланади» сўзлари кўк рангда берилган, сўлдаги қуйи бурчакда нақш оралиғида ва ўнгдаги юқори бурчакда «10» рақами бўлади.

Билетнинг ўнг томонида 25 мм кенгликдаги оқ ҳошия бўлади, ҳошиянинг қуйи қисмига рангли безакли «10» рақами ва билет чиқарилган йилни билдирувчи «1991 » рақами, билетнинг сўл томонида 6 мм кенгликдаги оқ ҳошия бўлади.

Билетнинг тескари томони рангдор.

Билетнинг ўртасига рангдор безак оралиғига кўк рангли «СССР» ҳарфлари жойлаштирилади, нақшинкор ишланган кўп бўёқли йирик» «10» рақами фонида «ўн сўм» деб ёзилади, сўлдаги қуйи бурчакда чўзиқ доирадаги қизил фонда ва ўнгдаги юқори бурчакда нақшинкор ишланган «10» рақами, сўлдаги қуйи бурчакда «СССР давлат банки билетларини қалбаки ясаш қонунга мувофиқ таъқиб этилади» сўзлари ёзилган.

Билетнинг сўл ва ўнг томонларида қора рангли етти рақамдан иборат иккита номер, ҳар бир номернинг олдида икки ҳарфдан иборат серия бўлади. Билетнинг сўл томонида 25 мм кенгликдаги ҳошия бўлиб, ҳошиянинг қуйи томонига «10» рақами ёзилади, билетнинг ўнг томонида 6 мм кенгликда оқ ҳошия бўлади.

Мазкур банкнотлар ҳозирги вақтда муомалада бўлган пуллар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва айрим шахслар томонидан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек, банк муассасалари ва алоқа вазирликларининг корхоналари томонидан жорий, ҳисоб-китоб варақаларига, омонатларга, аккредитивларга ва жўнатиш учун ҳеч бир чекланмаган миқдорда ёзиб қўйилган қийматига мувофиқ қабул қилиниши мажбурийдир.

СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 10 сўмлик билетлари сийқаланиб кетгунча муомалада қолаверади ва барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар ва айрим шахслар томонидан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек, жорий ҳисоб-китоб варақаларига, омонатларга, аккредитивларга ва жўнатиш учун ҳеч бир чекланмаган миқдорда ёзиб қўйилган қийматига мувофиқ бемалол қабул қилиниши мажбурийдир.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг тажрибавий ҳажмли-блокли уйсозлик комбинати қошидаги
5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1991—1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкентдаги қурилишларда ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича ишчи кадрларни тайёрлайди: бўёқчи-сувоқчи, қурилиш дурадгори, электр пайвандчи, сувоқчи-пардозловчи-плиткачи, ғишт терувчи.

Билим юртига 6 ва 10 ойлик группаларда ўқиш учун Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

3 йиллик гуруҳларга эса 9-синфни битирганлар қабул қилинади.

Ўқиш даври — узлуксиз меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга ўрта маълумот тўғрисида диплом ва эгаллаган касби бўйича малака разряди ҳақида диплом, 6 ой ва 10 ой ўқиганларга эгаллаган ихтисоси бўйича диплом ва малака разряди берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини «Главташкентстрой»нинг қурилишларида ўтказадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизи тўланади. Ҳамда ҳар ойда 6 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 160 сўмдан, 10 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига эса 80 сўмдан, 3 йил ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 40 сўмдан нафақа берилади.

3 йиллик гуруҳларда ўқийдиган ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал овқат ва бепул кийим-бош билан таъминланадилар.

Машғулотлар —ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик, нақш тўгаракларида ва спорт секциялари мавжуд.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), характеристика, яшаш жойидан ва соғлиғи ҳақида маълумотномалар, 6 дона сурат (3x4).

Билим юртининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахан кўчаси, 12-уй, 5-ўрта ҳунар-техника билим юрти (66, 161, 55-автобусларнинг «57-мактаб»; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси»; 5, 26-трамвайларнинг «Восток» кинотеатри»; 1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекатлари).

Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.



«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ТАЖРИБАВИЙ ҲАЖМЛИ-БЛОКЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Меҳнат вазирлигининг
АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ОРГАНЛАРИ
ёлғиз эркаклар, аёллар ва камсонли оилаларни
«МУБАРЕКГАЗПРОМСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИДА
қуйидаги касблар бўйича ишлаш учун ташкилий равишда

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сувоқчилар, арматурачилар, бетончилар, газ электр пайвандчилар, ғишт терувчилар, бўёқчилар, кошинловчилар, дурадгорлар, қурилиш конструкцияларининг монтажчилари.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, 1,55 фоиз район коффициенти тўланади. Ёлғизларга ётоқхонадан жой берилади, оилаликлар эса — 3 ой мобайнида турар жой билан таъминланадилар ва уларнинг фарзандлари болалар боғчаларига жойлаштириладилар. Хоҳловчиларга йил давомида ер участкалари, Муборак шаҳрида хусусий турар жой қурилишлари учун қарз ва қурилиш материаллари берилади.

Совет Армияси сафидан заҳирага бўшатилган, ҳеч қандай касби бўлмаган ишчилар Газ ва нефть саноати вазирлигининг мактаблари ва Қашқадарё вилоятидаги ҳунар-техника билим юртларида ўқитиладилар.

Иш жойигача ва шартнома муддати тугаганидан сўнг аввалги яшаш жойигача бориш учун йўл кира тўланади. Кеча-кундузлик ҳаражатлар ва 200 сўмгача миқдордаги қайтиб олинмайдиган пул нафақаси берилади.

Меҳнат ва яшаш шароитлари тўғрисида тўлароқ маълумот олиш, шунингдек, меҳнат шартномаларини тузиш учун халқ депутатлари Совети вилоят, шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги вилоят, шаҳар ва район бюроларига: Тошкент шаҳрида — Т. Шевченко кўчаси, 64-уйга мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Давлат Нархлар Қўмитасининг жамоаси қўмита ходими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Раимжон Рўзиевич АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси жамоаси, жумҳурият радиоси «Ёшлик» радиостанциясининг шарҳловчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист А. Аброрхўжаевга онаси

Санобархон ҚАЮМХУЖА қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● ҲИММАТ

ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

Қўшни Қирғизистонининг Уш район, Бошкўприк маҳалла жамоаси ўзига хос ҳиммат кўрсатди.

Маҳалла аҳли Ангрен яқинидаги Жигаристон қўрғонида юз берган нохуш воқеа муносабати билан қардошларга меҳр-оқибат кўрсатишди. Улар жами 24 минг сўм маблағ жамғариб, Жигаристонда азият чекканларга ёрдам тариқасида жўнатдилар.

З. КОМИЛОВ.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон Об-ҳавони ўрганиш марказидан олинган маълумотга кўра, шу ҳафта давомида жумҳуриятимизда иқлимнинг қуруқ ва анча иссиқ бўлиши кутилади. Фақат ҳафтанинг ўртасидагина тоғлиқ ва тоғ атрофи ҳудудларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳафта давомида ҳарорат деярли ўзгармайди — кечалари 17—22 даража атрофида бўлиб, кундуз кунлари эса ҳафта ўртасида 33—35, ҳафта боши ва охирида 35-40 даражада бўлиши кутилади.

Жумҳуриятимизнинг жанубий вилоятлари — жумладан Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарёда ҳарорат кечалари 20—25, кундуз кунлари эса ҳафта боши ва охирида 37—42, ҳафта ўртасида 32—37 даражада туради.

Умуман Ўзбекистонда ҳарорат меъёрдагидан бир қадар юқори бўлиши кутилади.

• Очиқчасига гаплашайлик •

ҲУКМ БЕКОР БЎЛДИ...

ЕКИ ТЎРТ ЙИЛДАН БЕРИ ЧЎЗИЛИБ КЕЛАЁТГАН ЖИНОЙИ ИШ ҲАҚИДА

Мухбирлик пунктига ўрта бўйли, оқсариқдан келган қиз кириб келди. У жуда ташвишли кўринарди. Қўлтиғидаги папкани столга қўяр экан, оҳиста сўз бошлади:

«Саида Раҳимова бўламан. Китоб районида — «Шарқ юлдузи» совхозидаги Дўрмон қишлоғида яшайман. Бошимизга оғир ташвиш тушган. Икки укажонимдан ажраб қолганман. Бир укам 1986 йилда Афғонистонда вафот этган эди. Иккинчисини эса... автомобиль уриб кетибди. Ахир, бу қандай кўргилик?!».

Саида ютунганча гапиролмади. Кўзларига ҳалқа-ҳалқа ёш келди. Унинг изтиробли чеҳраси, қалбини ўртаётган нола бизни ўйлантирмасдан қолмасди. Дарҳақиқат, Афғонистонда ҳалок бўлган ўғли Турсунқул фожиасини унута олмаган Ботир Раҳимовлар оиласи бошига яна оғир кулфат тушди. Даладан келаётган 14 ёшли Тоҳиржонни автомашина уриб кетди. Ҳозиргина ўйнаб-кулиб турган ўсмир шахсий автомобиль эгаси содир этган аварияннинг қурбони бўлди. Аммо ҳайдовчи инсонийликни унутди. Кўра-била уриб болани оғир аҳволда ташлаб кетди.

Бугунги кунда эшикма-эшик, идорама-идора ёрдам сўраб юрган опасининг қўлтиғидаги папкани очамиз. Ундаги ҳужжатлар ва гувоҳларнинг тушунтириш хатларини ўқиймиз. Колхозчи Турсуной Дўстованинг изтироб билан ёзган хатида шундай сатрлар бор:

«Пахта тераётганимда бир ниманинг қарсиллаб кетганини эштитим. Бироздан сўнг эгат бошига чиқиб асфальт йўл тарафга юрдим. Қай кўз билан кўрайки, шийпон қоровулининг ўғли қонга беланиб ётарди. Мен бор овозим билан «Тоҳиржон, Тоҳиржон!» деб қичқирдим. Боладан чамаси 100 метрча нарида енгил автомашина турарди. «Уйинг куйсин, нима қилиб қўйдинг, болани касалхонага олиб бор» дея дод солдим. У, туриб кетади, деб кутиб турган эканми, овозимни эшитибоқ автомашинасини ҳайдаб қочиб кетди. Болани ҳақиқатан ҳам ҳамқишлоғимиз Азим Мейлиев ўз машинаси билан тез келиб, уриб кетган эди».

— 1987 йилнинг 11 сентябрь кунини эсласам юрагим орқага тортиб кетади, — дея фарзанд доғидан оғир хўрсиниш билан гап бошлади марҳумнинг отаси Ботир Раҳимов. — Менга кўмаклашгани дарсдан бўш пайтларида ўғилларим Собиржон билан Тоҳиржонлар шийпонга келишарди. Ўша куни улар шийпон атрофини супиришиб тозалашди. Сочилган пахталарни теріб олишди. Кейин Тоҳиржон уйга кетганди. Бироз вақт ўтгач аёл кишининг қичқириғи эштилди. Йўлга чиқдик. Ўглим Собир югура бориб укаси Тоҳирни бағрига олди, Нима бўлди, дея Тоҳиржоннинг юзига сув сепдик. У кўзини очди. Келиб қолган одамлар машина уриб кетганлигини айтишди. Транспорт кутдик. Қани энди бирорта машина бўлса?! Хайрият, маиший хизмат кўрсатиш автолавкаси келиб қолди. Унинг шофёрига ялиниб-ялворib, боламни касалхонага олиб бордик. Афсус, вақт ўтганди. Орадан 15—20 минут ўтгач Тоҳиржон вафот этди.

Ота изтиробларини тинглаб, наҳотки Азим Мейлиев совет педагоги, тарбиячи, қишлоқ Совети депутати, қолаверса, коммунист деган пок номларга иснод келтирди, деган ҳақли саволлар туғилади бизда. Медикларнинг айтишича, дастлабки ёрдам кўрсатилмаганлиги учун Тоҳиржон кўп қон йўқотган. Агар тез ёрдам кўрсатилса, эҳтимол, унинг ҳаёти сақлаб қолинармиди?

«Мен уриб кетган машинани на ҳақида хабар қилай деб, мотоциклга ўтириб ГАИга бордим, — деб эслайди Б. Раҳимов. — ГАИ ходимлари Бахтиёр Турдиев, Илёс Ўрмоновлар олд ойнаси синган машина билан Азим Мейлиевни ушлашган экан. Начора?».

Тўғри, бу иш билан аввалига Яккабоғ район ички ишлар бўлими терговчиси Иброҳим Садатов шуғулланди. У воқеа содир бўлган жойни қайта-қайта ўлчаб, Азим Мейлиевнинг ўзига ҳам кўрсатди. Протоколлар тузилди. Ўни ҳайдовчилик гувоҳномасидан ҳам маҳрум этишди. «Қашқадарё ҳақиқати» вилоят рўзномасининг 1987 йил 25 сентябрь сонида ёритилган «Йўл қоидасини бузиб» сарлавҳали мақолада ҳам Азим Мейлиевнинг қаттиқ авария қилганлиги баён этилган. «11 сентябрда Китоб районидаги Ломоносов номли мактаб директори А. Мейлиев қилган авария ниҳоятда кўнгилсиз бўлиб туғалланди. У ўзининг «ВАЗ» маркали «А 98—58 КФ» номерли автомашинасида Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» совхозининг 3-бригадаси йўлида велосипедда бораётган Т. Раҳимовни босиб кетди».

— Лекин иш анча вақтгача ёпиғлигича қолди, — дейди марҳумнинг опаси Саида Раҳимова. — Укамнинг иши билан шуғулланган терговчилар Самадов, Ҳасановлар ҳам юзхотиричиликка борди шекилли, ишни охиригача етказиша олмади. Ниҳоят орадан бир йил ўтгач 1988 йил 29-30 ноябрь кунлари иш Китоб район халқ судида кўрилди. Ажабланарли ери шундаки, Азим Мейлиев депутат ва коммунистлигича судга чақирилди. Бунга район партия, Совет ташкилотлари ҳам бефарқ қарадилар.

— А. Мейлиев қилган авария ҳодисаси ўрганилиб, чиғириқдан ўтказилмади. — Сўзида давом этди С. Раҳимова. — У бундай эркинликдан фойдаланиб, ялло қилиб юраверди. Китоб район халқ суди раиси Эркин Алимуродов раислигида ўтган суд ҳайъати ишни қўшимча терговга қайтариш билан кифояланди. Ана шундан кейин сансалорлик бошланди. Жиноий иш, бир сўз билан айтганда, тўп қилиб ўйналди. Охири мен область прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва суди раҳбарларига қатъий талабнома билан мурожаат қилдим. Шундан кейин бу иш билан область ички ишлар бошқармаси терговчиси Боймурод Норқулов жиддий шуғулланди. У транспорт ҳалокатига йўл қўйган Азим Мейлиев Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-моддаси 2-қисми ва 108-моддаси билан айбланганлигини маълум қилди. Ишни яна Китоб район халқ суди кўрадиган бўлди. Лекин Азим Мейлиев розилик бермади. Иш Шаҳрисабз район халқ судъяси Мунаввар Остонова ихтиёрига берилди. У ҳам ишни кўрган бўлиб, қўшимча терговга қайтарди. Терговчи Боймурод Норқулов сўзида қатъий туриб олди. Шундан сўнг иш Чироқчи район халқ судига оширилди. Чироқчилик қонуншунослар ҳам ишни изига қайтардилар. Энди Китоб район халқ суди раиси Дилбар Муродова раислигида ишни кўришга енг шимариб киришилди. Афсуски, 1990 йил 28 майда бошланган суд 7 августда хулосага келди ва ишни яна қайта терговга юборди.

Жабрдийдалар жумҳурият ва вилоят партия, совет ташкилотларига елиб-югурганидан кейингина иш область суди раиси Х. Жайсанов раҳбарлигида коллегияда кўрилиб, раис ўринбосари Ўткир Хонкелдиевга топширилди. Яна ўзгариш бўлмади.

Адолат қарор топиши керак. Эртами-кеч қарор топади ҳам. Жабрланувчилар шикояти бўйича Ўзбекистон ССР Олий суди Қашқадарё вилоят судининг ҳукмини бекор қилиб, ишни яна вилоят судига қайтарди.

Биз иш у ёки бу томоннинг фойдасига ҳал бўлиши керак, деган даъводан мутлақо йироқмиз. Лекин тўрт йилдан бери чўзилиб ҳал бўлмай келинаётган машмашага қачон хотима берилади? Масала ана шунда...

Мусо КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.30.
№ 145.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12